

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ПЎЛАТОВ АЗИЗХОН

**ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ ЮЗАСИДАН КЕЛИБ
ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИБ ҲАЛ
ҚИЛИНИШИ**

5А380104 Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик процесси ихтисоси бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

ИЛМИЙ РАҲБАР:
юримик фанлари номзоди,
доцент М.Н.Насуллаев

Тошкент – 2012 йил

МУНДАРИЖА

Кириш _____

1-боб. Қурилиш пудрати шартномасига оид хўжалик ишларининг умумий тавсифи _____

1-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишларнинг тааллуқлиги ва судловлиги

2-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишларнинг иштирокчилари

3-§. Қурилиш пудрат шартномасига оид ишлар бўйича далиллар ва исботлаш _____

2-боб. Қурилиш пудрати шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал қилиниши бўйича иш юритиш

1-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишни қўзғатиш ва кўришга тайёрлаш

2-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишни судда кўриб чиқилиши

3-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори

4-§. Қурилиш пудрати шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал қилинишига оид хўжалик судлари амалиёти

Хулоса _____

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимизнинг тараққиётида улкан ўзгаришларни амалга оширишда бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш ва уни ҳимоясини таъминлашга қаратилди. Бунда тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар ҳимояси юзасидан қонунчилик базасини шакллантириш асосий вазифалардан бири эканлиги яққол кўринди.

Қабул қилинган муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Судлар тўғрисида”, “Банкротлик тўғрисида”, Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларни қайд этиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияларида таъкидлаганларидек, “Ислохотларимизнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда¹.”

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон

Шунингдек маълумки, қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Шаҳарсозлик² кодекслари, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги,³ «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунлар⁴, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги⁵ 2003 йил 6 майдаги Фармони,⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 апрелдаги «Капитал қурилишни бошқариш тузилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги,⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори,⁸ 2003 йил 3 июлдаги «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги⁹ ва 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари,¹⁰ 2004 йил 4 январда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги¹¹ Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қурилиш пудрати ишларини бажаришда инвестицияларни киритилишига таянган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиш, асосан қурилиш соҳаларига

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси) // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

² Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. - Т.: Адолат. 2004.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 1999. - № 1. - 10-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2001. № 1-2. - 21-модда

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2003. - № 9-10. - 69-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2003. - № 9-10. - 69-модда.

⁷ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. - 2000. - № 4.

⁸ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. - 2000. № 8.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2003. № 13. - 105-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2003. № 17-18. - 146-модда.

¹¹ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. - 2004. - № 4.

инновацион технологиялар орқали қурилиш мажмуини бошқариш тизимини янгилаш ва ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланмоқда.

Қурилиш пудрати ишларига бўлган ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, муҳофаа ва хавфсизлигини таъминлаш, республика ва давлатлараро мақсадли дастурларни амалга оширишга қаратилган.

Айни пайтда қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномаси унда иштирок этувчи шахсларнинг ишларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, уларни бажариш усуллари аниқлаш, томонларнинг шартнома юзасидан масъуллигини ошириш, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, томонларга ишончли кафиллик яратишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур диссертация қурилиш пудрати ишларини бажаришнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, бу соҳада тартибга солинадиган шартномавий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг ҳўжалик судлари томонидан ҳал қилиш масалаларига қаратилгандир.

Қурилиш пудрати билан боғлиқ шартномавий муносабатларни амалга ошириш ва тартибга солиш учун таъкидланганидек қонунчилик базаси яратилган. Унга биноан мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар («буюртмачилар») ва пудратчи ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириши, қонун ва шартнома шартлари асосида ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши зарур.

Қурилиш пудратига оид шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ҳўжалик судлари томонидан амалиётга татбиқ этилишини такомиллаштириш, қурилиш пудрати соҳасида келиб чиқаётган низоларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Тадқиқот ишида қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши ҳамда бу соҳада шартномавий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам ёритиб берилган.

Диссертацияда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини татбиқ этишда йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлил этилиб, уни ҳал қилиш чора-тадбирларининг йўналишлари кўрсатилган. Қурилиш пудрати ишларини бажариш соҳасида вужудга келадиган низоларни ҳуқуқий тартибга солиш ва қонун ҳужжатларини қўллаш ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари баён қилинган.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги даврда илгари мавжуд бўлган объектлар ўрнига янгиларини яратиш ёки модернизация қилиш ишларини олиб борилишини тақозо қилмоқда. Янги қурилиш объектларини яратмасдан, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг янги босқичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлар ташкил қилмасдан туриб, иқтисодий ривожланишни тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар ижтимоий-ҳуқуқий механизмини шакллантириш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш ва давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишларини бажаришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш каби долзарб масалалар турибди.

Шулардан қурилиш пудрати шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тузилади. Буюртмачи ҳамда пудратчи, бош пудратчи, субпудратчилар, лойиҳа ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги

муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бўғинларнинг иштирокисиз фақат қурилиш пудрати шартномаси асосида қурилади.

Қурилиш пудрати ишларини бажаришга қаратилган шартномаларни тузиш ва ижро қилишда шартноманинг ўзига хос хусусияти ва қурилиш пудрати ёки бошқа турдаги пудрат шартномаларининг белгиларини ҳисобга олиш лозим. Бу ҳолатлар шартнома субъектларининг қурилиш пудрати билан боғлиқ барча масалаларини жиддий ва чуқур билишни талаб этади. Бу эса хўжалик судлари томонидан қурилиш пудрати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишдаги муаммоларни бартараф этиш ва уни қўллашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ишининг мақсад ва вазифалари. Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг қурилиш пудрати билан шартномавий муносабатлари юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг процессуал ҳуқуқий моҳияти, уларнинг таомилларини таҳлил этиш ва ташкил этиш тартибини, хўжалик судлари томонидан қурилиш пудрати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари, уларнинг ҳозирги ҳуқуқий ҳолатини ҳамда қурилиш пудрати иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш кафолатларини аниқ кўрсатиб беришдир.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардир:

- қурилиш пудрати билан боғлиқ ишларни хўжалик судида кўриб чиқишнинг процессуал-ҳуқуқий табиатини ўрганиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар иштирокидаги қурилиш пудрати шартномасига оид низоларнинг моҳиятини очиқ бериш;
- қурилиш пудратига оид хўжалик суд иш юритишни процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб, амалиётга қўллашдан иборатдир.

Ишнинг ўрганилиш даражаси. Мамлакатимиз Президентининг қурилиш пудрати соҳасида ислохотларни амалга оширишга доир

таълимотларига таянган ҳолда қурилиш пудратига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ўрганилди.

Ишга оид юридик ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, қурилиш пудратига оид ишларни хўжалик судларида кўриб чиқиши билан боғлиқ муносабатлар юзасидан жуда кам тадқиқот олиб борилган бўлсада, бу масалаларда Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлардан Раҳмонқулов Х¹²., Зокиров И¹³., Шорахметов Ш¹⁴., Эгамбердиев Э¹⁵., Холмўминов Ж., Рўзиназаров Ш¹⁶., Насуллаев М¹⁷.ларнинг илмий асарларида тадқиқот мавзусининг айрим масалалари ёритилган.

Мамлакатимиз Президентининг қурилиш пудрати соҳасида ислохотларни амалга оширишга доир таълимотларига таянган ҳолда қурилиш пудратига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Республика Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис ва унинг Кенгашининг қарорлари, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган идоравий меъёрий ҳужжатлар¹⁸ илмий ишнинг **ҳуқуқий манбаси** бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот иши Олий хўжалик суди, Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари ҳамда статистик маълумотларига ҳам таянади¹⁹.

¹²Раҳмонқулов Х.Р. Обязательственное право. – Т.: ТГЮИ, 2005.

¹³Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: Адолат, 1996.

¹⁴Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

¹⁵Эгамбердиев Э. Жавобгар тарафлар манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти (Республика илмий-амалий конференция материаллари) Т. 2011.

¹⁶Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг судда ҳимоя қилиниши. Т.: Адолат-2001.

¹⁷Насуллаев М. Хўжалик процесси муносабатларида тааллуқлилиқ институтининг аҳамияти ва ўрни. Т. “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2-сон, 2008.

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий нозорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи–1998-10 март.

«Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармон // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами, 2000. май.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом. // Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2003 - сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида қўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Қурилиш пудрати шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг хўжалик судига кўриб ҳал қилиниши билан боғлиқ суд жараёнлари ва мазкур соҳадаги фуқаровий-ҳуқуқий, хўжалик-процессуал муносабатлар тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Фуқаровий ҳуқуқий ва хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши натижасида қурилиш пудрати шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг хўжалик судига кўриб ҳал қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар ҳамда ҳуқуқий муаммолар тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларини нашр этилганлиги. Илмий тадқиқот натижалари 4 та илмий нашрларда чоп этилган мақолаларда баён этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Илмий тадқиқот иши кириш, олти параграфни ўз ичига олган иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 83 бет.

1-боб. Қурилиш пудрати шартномасига оид хўжалик ишларининг умумий тавсифи

1-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишларнинг тааллуқлиги ва судловлиги

Ишларнинг тааллуқлиги деганда, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизими учун бириктирилган ишларни кўриш ва ҳал қилишга оид бўлган қонунда белгиланган ишлар доираси тушунилади. Ишлар доираси тушунчаси икки хил талқинда вужудга келган. Биринчидан, ишлар доирасининг тааллуқлиги ишларнинг у ёки бу орган юритувига тегишлилиги бўлса, иккинчидан, ишларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб тааллуқлиги алоҳида органга маълум масалани ҳал қилиш учун юкланганлигидир. Ишларнинг тааллуқлиги масаласи моддий-ҳуқуқий талабни қўяётган шахс ҳамда даъво аризасини қабул қилиш масаласини кўриб чиқувчи судья учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленумининг 1994 йил 18 октябрдаги 28-сонли "Низоларнинг хўжалик судлари судловига тегишлилиги (тааллуқлиги)га доир айрим масалалар тўғрисида"ги қарорига кўра, хўжалик суди хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, ижро этиш ва тугатиш чоғида юзага келадиган низоларни, шунингдек, Хўжалик процессуал кодексининг 12-моддаси 2 ва 3-бандларида кўрсатилган, бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этади²⁰.

Низо хўжалик судига тааллуқли бўлиши учун тарафлар юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлишлари лозим²¹. Бу ҳолатда аниқловчи жиҳат низо тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолият оқибатида келиб чиққанлиги билан асосланади.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

²¹ Насуллаев М Хўжалик процесси муносабатларида тааллуқлилик институтининг аҳамияти ва ўрни. Т. "Фалсафа ва ҳуқуқ" 2-сон, 2008.

Шу боис, хўжалик судига бюджет маблағлари асосида ишларни молиялаштиришни амалга ошириш ваколати берилган давлат идоралари, органлари (бундай кейин буюртмачи) ҳамда юридик шахслар (бундан бўён матнда пудратчилар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан бўён матнда фуқаролар деб юритилади) қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Масалан, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Тогай” хусусий фирмаси Сурхондарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Термиз шаҳридаги коллеждан 17608345 сўм асосий қарз, 2641251 сўм жарима, 35216690 сўм пеня, 180.000.000 сўм бой берилган фойда, жами - 73466286 сўм ундиришни сўраган²².

Мазкур тоифадаги ишлар бевосита хўжалик суди тааллуқлидир.

Хўжалик судига ишларнинг тааллуқлилиги масаласининг амалий аҳамияти шундаки, у орқали ишларнинг хўжалик судига тааллуқлилигига риоя қилмаслиқнинг процессуал-ҳуқуқий оқибатлари вужудга келади. Агар иш хўжалик судига тааллуқли бўлмаса, судья иш юритишни тугатади.

Хўжалик суди қуйидагиларни ҳал этади:

1) қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномаси бўйича бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаганлик ҳақидаги ихтилофлар.

Қурилиш ташкилоти давлат органи билан қурилиш пудрати шартномаси тузиб, орган бўлинмаларини жойлаштириш учун бино қуриш бўйича қурилишнинг монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олди. Ишлар тугалланди, ишларнинг бажарилгани тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилди, ишларнинг қиймати тўғрисида маълумотнома тузилди.

²² Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари. “ОХС Ахборотномаси” (2003-2009й.й.)

Бироқ, орган шартномада кўрсатилган муддатда ҳақ тўламади. Ташкилот қарзининг асосий суммасини ва тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня тўлашни талаб қилиб, органга даъво хати юборди. Орган даъвони бажаришдан бош тортди ва қурилиш ташкилоти ундан тегишли тўловлар суммасини ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Ташкилот шартномада назарда тутилган қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида бажарган, объект фойдаланишга топширилган, тарафлар ишларнинг бажарилгани ва қабул қилингани тўғрисида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришган. Уларни имзолаш чоғида орган бинода аниқланган камчиликларни айтмаган, бажарилган ишларнинг сифатига эътирозлар билдирмаган. Давлат органи шартнома шартларини бузиб, ўз вақтида ҳақ тўламаган, шу сабабли у қарзини узиши ва тўловни кечиктиргани учун пеня тўлаши шарт. Ташкилотнинг талаблари асосли.

Ташкилот ишни сифатли бажармаган: бино деворларини тиклашда қурилиш меъёрлари ва қоидалари бузилган ҳамда улар мустаҳкам эмас. Орган аниқланган камчиликларни тугатишни сўраб, ташкилотга бир неча марта хат ёзди, бу хатлар жавобсиз қолган. Орган бу камчиликларни тугатиш учун бошқа фирмани жалб этган ва фирма органнинг топшириғи билан камчиликларни бартараф қилган. Фирманинг ишига ташкилот талаб қилган миқдорда ҳақ тўлаган. Ташкилот қолган миқдорни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас, шу сабабли унинг талаби асоссиздир.

Суд ишга доир материалларни ўрганиб, тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

- қурилиш ташкилоти давлат органи билан шартнома муносабатларини тузди ва ўз зиммасига бино қуриш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олган;
- ишлар шартномада белгиланган муддатда бажарилган;

- тарафлар ишлар бажарилгани тўғрисидаги далолатномаларни ва мажбурият бажарилганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришган;

- объект фойдаланишга топширилганидан сўнг орган ташкилот бажарган ишлардаги камчиликларни аниқлаган: тикланган баъзи деворлар мустаҳкамлик талабларига жавоб бермайди, буни ихтисослашган лойиҳа институтининг мутахассислари тасдиқлашган;

- орган аниқланган камчиликларни қурилишга бағишланган мажлис баённомасида қайд этган ва қурилиш ташкилотига бу камчиликларни тугатишни сўраб, хат йўллаган, ташкилот бу хатга жавоб қайтармай, илтимосни эътиборга олмаган;

- камчиликларни тугатиш учун орган бошқа фирмани жалб этган, фирма камчиликларни бартараф қилган, унга ишларнинг қиймати тўланган;

- органнинг ташкилотдан асосий қарзининг суммаси қурилиш ташкилоти йўл қўйган камчиликларни тугатишга доир ишлар юзасидан фирмага тўланган суммага тенг.

Суд қонун ҳужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

- Фуқаролик кодексининг 650-моддасига кўра, орган қурилиш ташкилоти йўл қўйган ишдаги камчиликларни тугатиш бўйича ўзи қилган харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир;

- Фуқаролик кодексининг 682-моддасига мувофиқ, қурилиш ташкилоти лойиҳанинг смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишни ва объект орган томонидан қабул қилинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида ўз вазифасига кўра ишлатилиши мумкинлигини кафолатлаган²³;

- ташкилотнинг ишларни қабул қилиш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш чоғида бирорта камчиликни кўрсатмади, кейинчалик ҳам

²³ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳукуқи. – Т.: Адолат, 1996.

уларни тугатишга доир даъво билдирмади, деган важлари асоссиз ва улар эътиборга олинмади.

Баён қилинганларга асосланиб, суд ташкилотнинг талабларини кондиришни рад этди. Олий хўжалик судининг кассация хайъати дастлабки инстанция судининг қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришга асосларни топмади ва тақдим этилган хулосаларнинг қонунийлиги ҳамда асослилигини тасдиқлади.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун қуйидагиларни аниқлаши зарур эди:

- қурилиш ташкилотининг объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қийматини тўлаш тўғрисидаги талабларининг асослилигини;
- ташкилот қурган бинода аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун орган бошқа шахсни (қурилиш фирмасини) жалб қилиши қонунийлигини;
- ташкилот қурилишда йўл қўйган камчиликларни бартараф этгани учун мазкур сумма фирмага ўтказилгани сабабли, органнинг пудратчи бажарган ишга ҳақ тўлашдан бош тортишининг қонунийлигини.

Ташкилотнинг бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ҳақ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи Фуқаролик кодексининг 666, 673-моддаларидан келиб чиқади. Унинг 647-моддасига кўра, ташкилот ўзи қурган объект (бино) шартнома ва қонунда белгилаб қўйилган мустаҳкамлик, хавфсизлик талабларига ва бошқа мажбурий талабларга (қурилиш меъёрларига ва қоидаларига, техник шартлар ва шу кабиларга) жавоб бериши учун ишларни сифатли бажариши лозим эди. Бундан ташқари, бино фойдаланишга топширилаётган пайтда шартномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлиши ва кўзда тутилган мақсадда фойдаланишга яроқли бўлиши керак²⁴.

Ишга доир материаллардан маълум бўлишича, ташкилот қурган бино деворларининг бир қисми белгиланган талабларга жавоб бермайди, уларни

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

мустаҳкамлаш талаб қилинган. Шу тариқа, қурилиш ташкилоти ишлар сифати тўғрисидаги талабларни бузган.

Фуқаролик кодекси 650-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, агар иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи пудратчидан камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни ва иш учун белгиланган баҳони шунга мутаносиб равишда камайтиришни, агар шартномада буюртмачининг бу камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи кўрсатилган бўлса, уларни бартараф қилиш харажатларини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Шу моддага кўра, буюртмачининг айтилган усуллардан бирини танлашга ҳаққи бор. Шу сабабли, ташкилотнинг аниқланган камчиликларни бартараф этиш илтимос қилинган хатларни юборишини суд тўғри ва қонунга мувофиқ деб топди.

Агар пудратчи қўйилган талабларни бажаришдан бош тортса ёки унга юборилган хатни жавобсиз қолдирса, қонун буюртмачининг ФК 650-моддаси биринчи қисмининг қоидаларини такроран қўллаш ҳуқуқини чекламайди.

Агар пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этишдан бош тортса ёки буюртмачининг бу ҳақдаги талабларини жавобсиз қолдирса, буюртмачи, агар бу нарса шартномада назарда тутилган бўлса, камчиликларни мустақил равишда тугатишга ҳақлидир. Қонунда буюртмачининг камчиликларни тугатишни бошқа шахсга топшириш имконияти аниқ кўрсатилмаган, аммо кўриб чиқилган низода суд давлат органи томонидан қилинган бу ҳаракатларни қонуний деб ҳисоблади, чунки бу нарса қонунда тақиқланган ҳам эмас. Буюртмачининг камчиликларни тугатишга доир харажатларини, ФК 650-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига кўра, пудратчи қоплаши лозим. Қурилиш ташкилотида давлат органига қурилган деворларни кучайтириш ва

мустаҳкамлаш ишлари учун фирмага тўлаган маблағни тўлаш мажбурияти пайдо бўлди²⁵.

Давлат органининг ташкилотдан шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисмини тўлаш бўйича, ташкилотда эса қурилишда ўзи йўл қўйган камчиликларни тугатиш харажатларини қоплаш бўйича қарзи бор эди. Муқобил бир хил талаб мавжудлигидан кўриниб турибдики, улар ҳисобга киритиш йўли билан сўндирилиши мумкин эди, бу нарса суд томонидан низо моҳияти юзасидан қабул қилинган қарорда очик кўрсатилган.

Фуқаролик кодексининг 343-моддасига мувофиқ, мажбурият тўлов муддати келган ёки талаб қилиш пайтига қараб аниқланган муддат келган муқобил бир хил талабни ҳисобга олиш йўли билан тўла ёки қисман тугатилиши мумкин. Кўриб чиқилган низода пудрат шартномаси бўйича ишлар қийматининг қолган қисмини тўлаш мажбуриятини давлат органи ташкилот йўл қўйган камчиликларни тугатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаб билан тўла бажарилган деб ҳисоблади.

Давлат органининг қолган суммани тўлашдан бош тортишига ҳам, муқобил бир хил талабни ҳисобга олишга ҳам рози бўлмаган ташкилот келтирган вазиятни суд қуйидаги сабабларга кўра асоссиз деб ҳисоблади: Фуқаролик кодексининг 682-моддасига мувофиқ, агар шартномада ўзга ҳолат назарда тутилмаган бўлса, пудратчи объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини ва шартномага мувофиқ кафолат муддати давомида (агар қонунда ва шартномада ўзга кафолат муддати кўрсатилмаган бўлса, объектни буюртмачи қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 йилга) ундан фойдаланиш имкониятини кафолатлайди.

Кафолат муддати доирасида аниқланган камчиликлар (нуқсонлар) объект ёки унинг қисмлари меъёрий эскириши, ундан нотўғри фойдаланиш ёки буюртмачининг ўзи ёхуд жалб этилган шахс томонидан ишлаб чиқилган бинодан фойдаланиш йўриқномасининг нотўғрилиги, буюртмачининг ўзи

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

ёки у жалб этган учинчи шахс объектни заруратсиз таъмирлаши оқибатида юз берганини пудратчи исботлай олмаса, бу камчиликлар учун унинг ўзи жавобгар бўлади. Курилиш пудрат шартномасида бинодан фойдаланишнинг кафолатли муддати алоҳида кўрсатилмагани учун ташкилот давлат органига иш натижаларини топшириш-қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилган пайдан бошлаб ўн йилгача бинодан меъёрий фойдаланиш мумкинлигига кафолат беришга мажбур эди.

Шу тариқа, ташкилот кўриб чиқилган ҳолатда кўрсатилган кафолат муддати давомида бинодаги камчиликлар учун жавобгар бўлган. Уларни бартараф этишга доир талаблар унга бу муддат тугашига қадар тақдим этилган. Курилиш-монтаж ишлари топширилган-қабул қилиб олинган пайдан сўнг пудратчи ташкилот айби билан (курилиш меъёрлари ва қоидаларига, техник шартларга риоя қилмаслик оқибатида ва ҳоказо) йўл қўйилган нуқсонларнинг аниқланишини суд унга нисбатан давлат органининг ФК 650-моддасида назарда тутилган чораларини қўллашига асос бўлади, деб топди²⁶.

Суд давлат органининг ҳаракатлари қонунга мувофиқлигини тасдиқлаб, даъвогарнинг унга нисбатан талабларини рад этди. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига эса, бундай вазиятлар ва ортиқча харажатлар бўлмаслиги учун пудратчи курилиш ташкилоти билан буюртмачи ўртасидаги ўзаро муносабатларда пудратчи йўл қўйган хатоларни ҳисобга олиш тавсия этилади.

2) пудратчи курилиш ташкилотлари ўртада тузилган шартнома ва лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ишлардан ташқари қўшимча ишларни буюртмачини огоҳлантирмасдан бажарганликари натижасида келиб чиқадиган низолар.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

Масъулияти чекланган жамият хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – буюртмачи - ҳокимиятининг хўжалик ҳисобидаги капитал қурилиш бошқармасидан шартномага кўра бажарилган ишлар учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

Ишни биринчи инстанция судида кўриш жараёнида ва гувоҳларнинг берган кўрсатмаларидан аниқланишича, пудратчи – масъулияти чекланган жамияти томонлар ўртасидаги пудрат шартномаси ва лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра бинода қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва асфальтлаштириш бўйича ишларни бажариб топширган, буюртмачи – бошқарма ишларни қабул қилиб олган ва барча тўловларни амалга оширган. Лекин, пудратчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши якунланишида иш миқдорига ва сметага киритилмаган қўшимча ишларни бажариш лозимлиги аниқланган. Бу объект топширилиши лозимлиги учун туман раҳбарияти пудратчи қўшимча участкада ҳам қурилиш ва асфальтлаштириш ишларини амалга оширишни топширган ва қилинган ишлар бўйича раҳбарият шартнома тузиш ҳамда бажарилган қўшимча ишлар учун тўлов амалга оширилади, деган оғзаки қафолатидан сўнг, қўшимча ишларни бажарган.

Ваҳоланки, даъвогарнинг бу қўшимча ишлар учун тўлов ҳақидаги важи суд томонидан инобатга олинмаган, чунки қўшимча ишлар учун смета тузилмаган ва қўшимча ишлар учун буюртмачи далолатномани имзоламаган.

Пудратчи қўшимча ишлар бажарилиши лозимлиги ҳақида буюртмачини огоҳлантирмаган. Пудратчи буюртмачидан ўн кун муддат ичида ўз хабарига жавоб олмаса, қўшимча ишларни қилишни тўхтатиши лозим бўлган. Пудратчи бу мажбуриятларни бажармаганлиги сабабли, бажарган қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлаш ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Фуқаролик кодексининг 681-моддасига кўра, пудратчи қурилиш пудратии шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан

чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади²⁷.

3) Нархларнинг ошганлиги муносабати билан шартноманинг нархи юзасидан келиб чиқадиган ихтилофлар.

Даъвогар – акционерлик жамияти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар - Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш дирекциясидан асосий қарз, кўрилган зарар ва пеня суммаларини ундириб беришни сўраган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, асосий қарз, пеня, экспертиза харажатлари ундирилган, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Иш апелляция инстанциясида кўрилмаган.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш дирекцияси кассация шикояти билан мурожаат қилиб, унда иш жавобгар вакили иштирокисиз, унинг эътирозларини қабул қилмай кўрилганлиги учун суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар - буюртмачининг билан даъвогар –акционерлик жамиятига қарашли 36-сонли қурилиш бошқармаси пудратчи ўртасида пудрат шартномаси (контракти) тузилган бўлиб, унга биноан ҳамда шартномага киритилган қўшимча келишувга кўра, пудратчи мактабни лицей тарзида реконструкция қилиб, иш бажариши, буюртмачи эса шартномада кўрсатилган қурилиш баҳосининг 15 фоизини бўнак сифатида олдиндан тўлаши ва қолган миқдорни шартномага биноан қурилиш тугатилиб, Ш-2 далолатномаси имзолагандан кейин 15 кундан кечиктирмай тўлаши келишилган.

Пудратчи томонидан контракт шартларига кўра, қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, бу ишлар ҳажмини тасдиқловчи топшириш-қабул

²⁷ Каландарова М.П. “Давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалар ва улар юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг судда кўрилиши” Т. “IRIS” кўмаги 2005.

килиш далолатномаси жавобгар томонидан бирор бир эътирозсиз имзоланган.

Бироқ, ушбу далолатномага асосланган даъвогарнинг қурилиш-монтаж ишларида ишлатилган материаллар баҳосининг ошиш миқдори жавобгар томонидан тан олинмаган.

Ваҳоланки, тарафлар ўртасида тузилган контрактга биноан қурилишнинг келишилган баҳоси нарх-навонинг ўзгариши эътиборга олиниб, қурилиш давомида ўзгариши мумкинлиги, шунингдек бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳисоб-китоби ҳокимият томонидан белгиланган ушбу ишлар қимматлашиш индекси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши келишилган.

Даъвогарнинг шартнома шартларига биноан тузилган талабларининг асослигини тасдиқлаш мақсадида биринчи инстанция суди топшириғига биноан «Бошдавлатэкспертиза» томонидан ўтказилган экспертиза хулосасидан кўринишича, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун сарф қилинган материалларнинг баҳоси ошган. Ушбу экспертиза хулосаси бўйича жавобгар томонидан ўз вақтида эътироз билдирилмаган²⁸.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-моддасига биноан, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

²⁸ Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом. // Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2003 - сентябрь.

Бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

Фуқаролик кодексининг 335-моддасига кўра эса, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

4) шартнома бўйича ишларни бажаришдан воз кечишдан келиб чиқадиган низолар.

Хусусий корхона хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаа этиб, давлат органидан асосий қарз, пеня ундиришни сўраган.

Хусусий корхона кассация шикояти юзасидан билдирган ёзма фикрида вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида қурилиш пудратии контрактлари тузилган бўлиб, уларга биноан даъвогар - пудратчи жавобгар – буюртмачига қарашли маъмурият ички биносини ҳамда Темирйўл туманидаги маъмурий бинони таъмирлаши ва шу ерда жавобгарга қарашли слесарлар таянч пункти биносини капитал таъмирлаш ишларини бажариши, жавобгар эса бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари қийматининг 10 фоизини олдиндан, қолганини ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўлаши келишилган.

Шартномага биноан жавобгар олдиндан тўлаши лозим бўлган 10 фоиз хизмат ҳақини тўлаш мақсадида даъвогар ҳисобига пул маблағларини ўтказган ҳамда қурилиш жиҳозларини берган.

Даъвогар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, шартномаларда қурилиш-таъмирлаш баҳоси белгиланганлигини, шундан жавобгар олдиндан 10 фоизини ўтказиши лозимлигини, жавобгар эса

шартноманинг бу шартини фақат ярим суммага бажариб, қолган суммасини умуман ўтказмаганлигини, жавобгар ўз шартномавий мажбуриятини бажариб, олинган бўнак пули ва қурилиш жиҳозларини етганича, қолганига ўз маблағини ишлатиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарганлигини, жавобгар томонидан ушбу ишлар бажарилганлиги ҳақидаги далолатномаларнинг бир қисми имзоланмаганлигини, жавобгар бошқа маблағ ўтказмаганлиги сабабли қурилиш-таъмирлаш ишларининг тўхтатилганлигини билдириб, жавобгардан қолган қарз миқдори ва амалдаги қонунчиликка асосан пеня ундириб беришни сўраган.

Дарҳақиқат, даъвогар, жавобгар вакиллари ҳамда «Ҳамза» маҳалла марказининг раиси иштирокида даъвогар томонидан бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари текшириб чиқилган бўлиб, бу ишлар тури ва ҳажми далолатномада кўрсатиб ўтилган. Бироқ унда бажарилган ишлар баҳосининг қанчалиги кўрсатилмаган. Суд томонидан ҳам бунга аҳамият берилмаган.

2004 йил 2 февралда тузилган ушбу далолатномага биноан даъвогар томонидан худди шу куни тузилган 2,3-шаклли далолатномаларда бажарилган ишлар баҳоси ва қиймати кўрсатилган бўлсада, бу далолатномалар жавобгар вакиллари томонидан имзоланмаган. Суд эса бу далолатномаларни даъвони асословчи далил сифатида қабул қилган.

Биринчи инстанция судининг далолатномалар банк томонидан текширилиб тасдиқланган, деган хулосаси иш ҳужжатларига тўғри келмайди. Далолатномалардаги ёзувлар эса далил бўла олмайди. Чунки улардаги рақамлар низолидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 680-моддасига биноан, пудратчидан қурилиш пудратии шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Шунингдек, ушбу модданинг 4-қисмига мувофиқ ишлар натижасининг пудратчи томонидан топширилиши ва буюртмачи томонидан қабул қилиниб

олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди. Ваҳоланки, даъвогар томонидан судга берилган 2 ва 3-шакл далолатномаларини жавобгар имзолашдан бош тортганлиги ҳақидаги ёзув мавжуд эмас. Бу эса иш ҳужжатларини қайта ўрганиш учун асос бўлади.

Жавобгар шартнома бўйича бўнак пули ўтказилмаган бўлса, даъвогар ишни бажармаслиги лозимлигини, шунингдек ишни ўз вақтида бажармаганлигини кўрсатиб, даъвони тан олмаслигини билдирган. Ваҳоланки, контрактга кўра буюртмачи аслида бажарилган ишлар қийматини тўлаб бориши лозимлиги кўрсатилган бўлиб, жавобгар томонидан контрактларнинг бу шarti бажарилган ёки бажарилмаганлигига баҳо берилмаган²⁹.

5) шартнома юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар.

Масъулияти чекланган жамият вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, давлат органидан асосий қарз, пеня ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, вилоят адлия бошқармаси - буюртмачи билан масъулияти чекланган жамият - пудратчи ўртасида Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Темирйўл туман суди биносини қуриш юзасидан шартнома тузилган. Унга кўра пудратчи қурилиш ишларини бажариши, буюртмачи эса бажарилган ишлар ҳақини камчиликлар бартараф этилгандан сўнг 90 кун ичида тўлаши келишилган.

Шунингдек, улар ўртасида Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди биноси томини таъмирлаш ҳақида шартнома тузилган бўлиб, унга биноан пудратчи таъмирлаш ишларини бажариши, буюртмачи эса бажарилган ишлар

²⁹ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари. “ОХС Ахборотномаси” (2003-2009й.й.)

ҳақини ишлар бажарилганлиги ҳақидаги далолатномалар имзолангандан сўнг тўлаши келишилган.

Даъвогар хўжалик судига мурожаат этиб, шартномага биноан жами курилиш-таъмирлаш ишларини бажарганлигини, икки томон ўртасида тузилган солиштириш далолатномасига кўра таъмирланган бинолар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бўлими томонидан балансга олинганлиги сабабли у томондан иккинчи шартнома юзасидан бажарилган ишлар қийматининг учдан икки қисми тўланганлигини билдириб, биринчи шартнома бўйича тўланмай қолган сумма ва шу микдорга ҳисобланган пеняни ундириб беришни сўраган.

Суд даъво талабининг асосий қарзни ундириш қисми ишдаги ҳужжатлар билан тасдиқланган деб ҳисоблаб, даъвонинг шу қисмини қаноатлантирган, мутахассислар томонидан ўтказилган назорат ўлчови натижалари эса инобатга олинмаган.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу шартномалар бўйича курилиш, таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида 2 ва 3-шакл далолатномалари тузилиб, даъвогар томонидан курилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги тасдиқланган.

Шартномага биноан буюртмачи бажарилган ишлар учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш мақсадида банк, вилоят ҳокимлиги мукаммал курилиш бошқармаси ҳамда пудратчининг ишлаб чиқариш техника бўлими иштирокида назорат ўлчови ўтказилиб, даъвогар томонидан ҳақиқатда бажарилган ишлар қиймати далолатномада ошириб кўрсатилганлиги, муайян ишлар эса сифатсиз бажарилганлиги аниқланган. Мазкур далолатномада даъвогар томонидан бажарилган ишлар қиймати, ишлар қўшиб ёзилганлиги кўрсатилган. Бунда жавобгар буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 642-моддаси талабига кўра иш тутган. Фуқаролик кодексининг 642-моддасига биноан, буюртмачи пудратчининг фаолиятига

аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.

Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суғ бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт³⁰.

6) ваколатли шахс томонидан имзоланмаган, лекин кейинчалик буюртмачи томонидан қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномаси юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш

³⁰ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари. “ОХС Ахборотномаси” (2003-2009й.й.)

Пудратчи хўжалик судига мурожаат қилиб, бажарилган ишларни қабул қилиш бўйича актга мувофиқ ишларнинг қийматини ундириб беришни сўраган.

Буюртмачи эса, қарши даъво тақдим этиб, шартноманинг ваколатли шахс томонидан имзоланмаганлигини инобатга олиб, шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди буюртмачининг шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосаларига таяниб, қарши даъвони қабул қилган, даъвогарнинг даъво талабларини эса қаноатлантирмаган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиб, қарши даъвони қабул қилишни қуйидаги асосларга кўра рад этган:

қурилиш пайтида корхона маълум бир оралиқ даврда тўловларни олган. Иш ҳужжатларида, корхона раҳбарининг алоҳида турдаги ишларни амалга ошириш ва ишлатиладиган материалларнинг сифатининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида имзоси ҳам мавжуд.

Буларнинг барчаси буюртмачи бўлган давлат органининг юқорида қайд этилган ҳужжатнинг тасдиқланишига розилик билдирганидан гувоҳлик беради. Демак, шартномада кўрсатилган ишлар бажарилган ҳамда уларга ҳақ тўланиши лозим.

Хўжалик суди ўзининг ваколат доирасида қурилиш пудрати ишларини бажаришдан келиб чиқадиган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади³¹.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

2-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишларнинг иштирокчилари

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 35-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар³².

Буюртмачи ва пудратчи хўжалик судлов ишларини юритишда даъвогар ва жавобгар деб аталиб, улар иш юритишнинг тарафлари ҳисобланишади.

Ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган буюртмачи ва пудратчилар даъвогардир.

Даъво талаби қаратилган буюртмачи ёки пудратчи жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи буюртмачи ва пудратчи тараф сифатида тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин. Ҳар бир даъвогар ёки жавобгар процессда мустақил қатнашади. Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари мумкин.

³² Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2002.

Бошқа жавобгарни жалб этиш зарур бўлган ҳолларда хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар даъвогарнинг розилиги билан ўша жавобгарни жалб қилади.

Хўжалик суди даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан даъво тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгарнинг ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин.

Масалан, хусусий фирма жавобгарлар - вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси ва “Қурилиш” МЧЖдан шартномага асосан бажарилган ишлар учун тўланмаган асосий қарз, тўлов муддати кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пеня, жарима ундиришни сўраган.

Инжиринг компанияси ва бош пудратчи – “Қурилиш” МЧЖ билан даъвогар – ёрдамчи пудратчи ўрталарида вилоят ҳокимлиги биносини реконструкция қилиш ва қурилиш материалларини етказиб бериш ҳақида шартномалар тузилган.

Даъвогар - ёрдамчи пудратчи ишларни бажариб, натижасини бош пудратчи “Қурилиш” МЧЖга топширган. Лекин, бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш муддати назарда тутилмаган. “Қурилиш” МЧЖ тўловни қисман амалга оширган. Даъвогар хўжалик судига мурожаат қилганда асосий қарзни тўлаш ҳақида жавобгарларга талаб қўйганлигини тасдиқловчи ҳужжат – талабномани судга тақдим эта олмаган. Бундан ташқари, шартномаларга кўра ёрдамчи билан якуний ҳисоб-китоб қилишни ва мулкий жавобгарликни бош пудратчи - “Қурилиш” МЧЖ ўз зиммасига олган. Шуларга кўра, вилоят ягона буюртмачи - инжиринг компаниясига нисбатан даъво киритилганлиги асоссиз деб топилди³³.

³³ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари. “ОХС Ахборотномаси” (2003-2009й.й.)

Суд мазкур ҳолатларни инобатга олиб, даъво талабларини қисман каноатлантириб, даъвогар фойдасига асосий қарзни жавобгар “Қурилиш” МЧЖдан ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг куйидаги моддасига риоя қилиш лозим: 242-моддага биноан, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Шунингдек, Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади³⁴.

Хўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақлидир.

Даъвода сўралган пеня ва жарима ундириш қисмларини рад этиш, ягона буюртмачи - инжиниринг компаниясини жавобгарлар сафидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф хўжалик судининг ташаббуси билан алмаштирилиши мумкин, бироқ даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс ишда низо юзасидан мустақил

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2002.

талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида қатнашишга ҳақли ва бу ҳақда суд ушбу шахсни хабардор қилади.

Агар даъвогар жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаса, суд даъвогарнинг розилиги билан бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш янгидан бошланади³⁵.

3-§. Қурилиш пудрат шартномасига оид ишлар бўйича далиллар ва исботлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Хўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақлидир.

Масалан, тарафлар ўртасида тузилган шартномага биноан, бир тараф ишларни бажариш, иккинчи тараф уни қабул қилиш мажбуриятини олган. Лекин жавобгар томонидан ишлар учун ҳақ ўз вақтида тўланмаганлиги натижасида низо келиб чиққан.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси 2002.

Судья ишни кўриш жараёнида жавобгар томонидан келтирилаётган важларни эшитиб, жавобгарга қуйидаги ҳолатлар юзасидан қўшимча далилларни тақдим этиш ҳақида таклиф қилган. Масалан:

- аудиторлик хулосаси ҳақида гапирганда уларнинг аудиторлик ташкилоти билан тузган шартномаси;
- шартномаларни бажаришда қатнашган шахслар ҳақида сўз юритилганда, шартнома бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган шахсларнинг қонуний ваколатларига оид ҳужжатлар;
- режалар мажлисда келишилганлиги ҳақида важлар келтирилаётганда, мажлиснинг баённомалари ҳақидаги далиллар қўшимча далиллар сифатида тақдим қилиниши таклиф этилиши мумкин.

Далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур. Суд зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсга далилни олиш учун сўров беради. Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли сўровга эга бўлган шахсга беради.

Агар шахс хўжалик суди талаб қилаётган далилни тақдим этиш имкониятига бутунлай эга бўлмаса ёки суд белгилаган муддатда тақдим эта олмаса, у суднинг сўровини олганидан сўнг беш кунлик муддат ичида бу ҳақда сабабини кўрсатиб судни хабардор қилиши шарт.

Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса,

бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солинади³⁶.

Жарима солиниши талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсни далилни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ишнинг хўжалик суди ҳаммага маълум деб топган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли қарорига илова қилинган “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

Енгиб бўлмайдиган кучлар оқибатида шартнома томони мажбуриятларни бажариши учун имконият бўлмаганда шартнома томони енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари тасдиғини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига мурожаат қилиши мумкин. Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш манфаатдор томоннинг енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари кўрсатилган ёзма аризаси асосида Агентлик томонидан тегишли сертификат бериш йўли билан амалга оширилади. Аризага белгиланган тартибда тасдиқланган шартномалар ҳамда шартномага спецификациялар нусхаси, шартнома бўйича бажарилган мажбуриятлар ҳажмлари тўғрисида маълумотлар, енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисида сертификат олиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси илова

³⁶ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

қилинади. Ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита Агентликка тақдим этилади ёки почта орқали юборилади. Агентлик олинган ариза асосида давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органларидан енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари мавжудлигини тасдиқлаш учун зарур ахборотни сўрайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари Агентлик сўровномаси тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида сўралаётган ахборотни ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

Хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Умумий суднинг фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган хўжалик суди учун умумий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга алоқадор ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир³⁷.

Жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан, факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади³⁸.

Пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалардан келиб чиқадиган низоларга оид келишмовчиликларни ҳал қилишда **экспертизанинг** ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2002.

³⁸ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

Ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволлари ва экспертларнинг номзодлари бўйича таклифларини тақдим этишга ҳақлидирлар.

Экспертизанинг хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг узил-кесил мазмунини хўжалик суди белгилайди. Ишда иштирок этувчи шахслар таклиф этган саволларни рад этишни суд асослаб бериши шарт.

Экспертиза тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Экспертиза хўжалик суди топшириғига кўра экспертиза муассасаларининг ходимлари ёки бошқа мутахассислар томонидан ўтказилади. Экспертизани ўтказиш бир неча экспертга топширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида пудрат ишларини бажариш билан боғлиқ низолар юзасидан экспертизани қуйидаги ташкилотлар амалга ошириши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат экспертизаси;

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги ҳуқуридаги Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази;

«Тошшаҳдавэкспертиза» (Қорақалпоғситон Республикаси ва вилоятларда шу номда экспертиза ташкилотлари мавжуд) ва бошқалар³⁹.

Экспертиза хўжалик судининг мажлисида ёки, агар текширишнинг хусусиятига кўра зарур бўлса ёхуд материалларни мажлисда текшириш учун олиб келиш мумкин бўлмаса ёки уларни олиб келиш қийин бўлса, мажлисдан

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

ташқарида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Бундай иштирок этиш ёки экспертизани суд мажлисидан ташқарида ўтказиш экспертларнинг нормал ишлашига ҳалақит бериши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар экспертизани ўтказиш икки ёки ундан ортиқ экспертга топширилган бўлса, улар ўзаро кенгашишга ҳақлидир. Агар экспертлар умумий хулосага келсалар, улар битта умумий хулоса берадилар. Бошқа экспертларнинг фикрига қўшилмаган эксперт алоҳида хулоса беради.

Хўжалик процессуал кодексининг 69-моддасига биноан, эксперт ёзма шаклда хулоса беради. Экспертнинг хулосаси ўтказилган текширишларнинг батафсил баёнини, улар натижасида чиқарилган хулосаларни ва хўжалик суди томонидан қўйилган саволларга жавобларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Агар эксперт экспертиза ўтказаяётганида ўзига қўйилган саволларда кўрсатилмаган, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқласа, шу ҳолатлар тўғрисидаги фикрларини ўз хулосасига киритишга ҳақли.

Экспертнинг хулосаси хўжалик судининг мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади. Экспертнинг хулосаси етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаса, хўжалик суди қўшимча экспертиза тайинлаши, уни ўтказишни ўша ёки бошқа экспертга топшириши мумкин. Хўжалик суди экспертнинг хулосасига қўшилмаса, ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра қайта экспертиза тайинлаши, уни ўтказишни бошқа экспертга топшириши мумкин⁴⁰.

Пудрат ишларини бажариш билан боғлиқ шартномаларга оид низоларни кўришда гувоҳлар келтирилган вазиятни исботлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Гувоҳ ўзи билган маълумотлар ва ҳолатларни хўжалик судига оғзаки хабар қилади. Гувоҳ хўжалик судининг таклифига кўра ўз кўрсатмаларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

⁴⁰ Каландарова М.П. “Давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалар ва улар юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг судда кўрилиши” Т. “IRIS” кўмаги 2005.

Гувоҳлар ишдаги мавжуд фактларни тасдиқлаш учун чақиртирилиши мумкин. Масалан, томонлар ўртасида дастлаб ишларни бажариш учун тузилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ишлар бажарилган, кейинчалик ишлар ҳажмининг ортиши муносабати билан буюртмачининг топшириғига биноан янги лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Янги лойиҳа-смета ҳужжатлари келгусида пул маблағлари бўлган тақдирда бажарилишини назарда тутиб ишлаб чиқилган. Лекин пудратчи ишларни янги лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида бажарган.

Бу ҳолатда лойиҳа ташкилотининг гувоҳлари ишга жалб қилиниб, масалага ойдинлик киритилиши мумкин.

Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбаини кўрсатиб бера олмаса, у хабар қилган маълумотлар далил ҳисобланмайди.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун аҳамиятли бўлган ўзларига маълум ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари текширилиши ва бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахс хўжалик судининг таклифига кўра ўз тушунтиришларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан бошқа шахс ўз талабларини ёки эътирозларини асослаётган фактларнинг тан олиниши хўжалик суди учун мажбурий эмас.

Агар фактни тан олиш ишнинг ҳолатларига мувофиқ эканлигига ва алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, чалғитиш таъсирида ёки ҳақиқатни яшириш мақсадида қилинмаганига хўжалик судида шубҳа туғилмаса, у тан олинган фактни аниқланган деб ҳисоблаши мумкин.

Зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб хавотирланиш учун асоси бўлган шахслар ишни юритишга қабул қилган хўжалик судидан шу далилларни таъминлашни илтимос қилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, тасдиқлаш учун бу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, уларни

таъминлаш тўғрисида аризачини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак⁴¹.

Далилларни таъминлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Хўжалик судининг далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Даъво таъминлаш ҳақида ариза берилгандан сўнг судья даъвони таъминлаш тўғрисида ажрим қабул қилиши мумкин⁴².

⁴¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳукуки. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

2-боб. Қурилиш пудрати шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал қилиниши бўйича иш юритиш

1-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишни қўзғатиш ва кўришга тайёрлаш

Хўжалик судларида қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалар юзасидан даъво қўзғатиш ҳуқуқи буюртмачи ва пудратчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини биринчи инстанция судида ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси сифатида кўрилади. Даъво қўзғатувчи шахс судга мурожаат қилишдан олдин ўз талабини ихтиёрий равишда қаноатлантирилиши тўғрисида мажбурият субъектига талабнома билан мурожаат қилади, ташкилотларнинг талаби қаноатлантирилмаса ёки қисман қаноатлантирилган бўлса ёхуд талабга жавоб бермаса, манфаатдор шахс (буюртмачи ёки пудратчи) бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг ёхуд қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатнинг кўриқланиши тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилади⁴³.

Суд иш юритувида буюртмачи ёки пудратчи субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи воситалардан бири сифатида даъво тан олинади. Даъво ишида муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо ҳал қилинади ва шу муносабат билан даъвогарнинг талаблари ҳамда жавобгарнинг эътирозлари қанчалик қонуний ва асослиги эканлиги текширилади. Оқибатда суд даъвони (даъвогарнинг жавобгарга бўлган талабини) бутунлай ёки қисман қаноатлантиради ёинки даъвони рад этади (даъвогарнинг талаби қайтарилади).

Буюртмачи ва пудратчи бир-бири билан ўртада юзага келган бир низоли моддий-ҳуқуқий муносабат бўйича боғлиқ бўлиб, улар низоли

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

ҳолатни суднинг аралашувисиз мустақил ҳал қила оладилар, масалан, талабнома юбориш орқали. Шунда ҳам низо ўз ечимини топмаса, у ҳолда ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган шахс суд органига мурожаат этишга ҳақли.

Пудратчи ёки буюртмачи томон даъво қўзғатишдан олдин бошқа томонга, агар шартномада назарда тутилган бўлса, талабнома билан мурожаат қилган бўлиши лозим, акс ҳолда бу даъвонинг қаноатлангирмаслигига олиб келади.

Масалан, хусусий фирма хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, ҳарбий қисмлардан асосий қарз, пеня ундиришни сўраган. Жавобгар – бош пудратчи ва хусусий фирма – ёрдамчи пудратчи ўрталарида капитал қурилиш шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра бош пудратчининг топшириғидаги объектларда ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш ишларининг бажарилиши, бош пудратчи эса хизмат ҳақини тўлаб бериши келишилган.

Даъво аризасида тарафлар ўртасида мукаммал қурилиш шартномаси бўйича ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш материаллари сарф қилиниб, қурилиш ишлари бажарилган, бош пудратчи томонидан тўловнинг ярми амалга оширилган ва у ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли пеня ҳисобланганлиги кўрсатилган.

Бироқ, даъвонинг пеня ундириш қисмини тўлиқ қаноатлантиришда суд томонидан шартномага олинмаган, яъни бажарилган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мукаммал қурилиш бошқармаси томонидан бош пудратчига маблағ ўтказилгандан кейин ёрдамчи пудратчига тўлов ўтказилиши кўрсатилган, демак, хусусий фирма бу шартга рози бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 242-моддасига кўра, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса – ижрони амалга оширишга ҳақли бўлади.

Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Чунончи, Кодекснинг ушбу талабидан келиб чиқиб, жавобгарга тўловни амалга ошириш ҳақидаги талабнома юборилиши шарт бўлган. Ваҳоланки, бундай талабнома юборилганлиги ҳақидаги далил иш ҳужжатларига илова қилинмаган. Талабнинг юборилмаганлиги эса тўлов муддатини кечиктирганлик учун пеняни ундириш имконини бермайди. Демак, даъво талабининг пеня ундириш қисми асоссиздир⁴⁴.

Ҳар қандай ҳўжалик даъвосининг икки томони бор: биринчидан, моддий-ҳуқуқий томони бунда аввало, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий ҳуқуқий талаби, масалан, бирон бир ашёнинг топширилиши назарда тутилади; иккинчидан, процессуал-ҳуқуқий томони. Бунда тарафлар ўртасида келиб чиққан низонинг мазмунан ҳал қилиниши, бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг қўриқланиши тўғрисида судга илтимос билан мурожаат қилиниши тушунилади.

Даъво суддан бир шахснинг иккинчи шахсга нисбатан, давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашни сўраб, ўзининг моддий-ҳуқуқий талаблари қўйилиб тегишли равишда расмийлаштирилган ариза шаклидаги талабидир.

Давлат контракти асосида келиб чиқадиган даъволар буюртмачи ёки пудратчи томонидан қурилиш шартномасининг бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган даъволар қўйилади.

Даъво иккита асосий таркибдан: моддий ва процессуал талаблардан ташкил топади. Процессуал талаб моддий талабнинг қаноатлантирилишини тақозо этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, даъво аризасида процессуал талаб моддий талабсиз келтирилмайди, моддий талаб процессуал талабсиз

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида қўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

фақатгина ҳуқуқининг моддий талаб тақдим этиш орқали ўзини ҳимоя қилиш усулига ўхшаб қолади. Даъвогарнинг моддий талаби, масалан, ундириш, тан олиш, зарарни қоплаш ва хоказоларда намоён бўлади⁴⁵.

Демак, даъво предмети бўлиб, аниқ маблағ кўринишидаги асосий карзни ундириш ёки унинг ҳар бир кечиктирилган куни учун пенянинг фоизлари билан ундириш, тегишли мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тан олиш, шартномадан ташқари ёки шартнома шартларини бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган ҳолда, зарарни қоплашни талаб қилиш ва бошқалар ҳисобланади.

Шунингдек, даъво талабида даъвогар унинг талаблари қаноатлантирилган тақдирда, у эга бўладиган моддий қийматликлар, масалан, пул маблағлари, конкрет мол-мулк ва бошқалар ўз аксини топади. Бу даъво объектини ташкил этади. Даъво объекти даъво предметининг таркибий қисми бўлиб, у моддий талаб билан биргаликда даъво предметини ташкил қилади. Баъзи ҳолларда даъвогар даъво талабларини тўлиқ тарзда ёки унинг маълум қисмини ўзгартиришни лозим деб топилиш мумкин.

Даъво асоси деб, даъво талабини тасдиқлайдиган далилларга айтилади. ХПКнинг 112-моддаси 4,5-бандларида айтилганидек, даъвогар аризасида талаби қандай ҳолатларга асосланганлигини ва бу ҳолларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиши лозим. Бундай ҳол муайян юридик фактни вужудга келтирадиган ёки ўзгартирадиган ёхуд бекор қиладиган ҳолатдир. Даъво кўзғатиш учун асос бўладиган юридик фактлар кўп. Чунончи, тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги, муайян шартларнинг бузилиши, топшириқнинг бажарилмаслиги ёки сифатсиз бажарилиши, шартларнинг ўзгартирилиши, юридик шахснинг тугатилиши, тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши ва шу каби қатор ҳолатлар, юридик фактлар, даъвогар ва жавобгарга ҳам фараз қилувчиларга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлар вужудга келтирадиган асослар бўлади.

⁴⁵ Каландарова М.П. “Давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалар ва улар юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг судда қўрилиши” Т. “IRIS” кўмаги 2005.

Демак, даъвонинг асоси бўлиши учун турли далолатлар эмас, балки фақат юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар асос бўлади.

Даъво элементларини аниқ белгилаш даъволарнинг бирини иккинчисидан фарқлаш учун муҳим мезон ҳисобланади. Даъвонинг предмети билан асоси бир-бирини тўлдирса ва ўхшасагина, даъво қўзатиш мумкин.

Даъво асоси ўзида тақдим этилган даъвонинг талаблари негизини ташкил қилувчи юридик фактларни намоён этади. Одатда, даъво асоси бир фактдан эмас, балки, уларнинг йиғиндисидан, яъни, фактик таркибдан ташкил топади⁴⁶.

Судда низоларнинг одилона, қонуний ҳал бўлиши ҳар бир конкрет ҳолатга мўлжалланган норматив-ҳуқуқий актларни ўз ўрнида, тўғри ва аниқ қўллашга қаратилган фаолиятдир. Бу ўз ўрнида қонунийлик принципини ўзида мужассам этади.

Шундай қилиб, даъво асоси – бу биринчидан, даъвогар томонидан жавобгарга нисбатан қўйилган, унинг моддий талаблари билан асосланган ҳолати бўлса, иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган ҳолатлар билан амалдаги қонунчиликни боғлайдиган юридик фактдир.

Судда ҳўжалик иши қўзғатилишида даъво аризаси ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаштириш, ишда қатнашувчи шахслар таркиби масаласини ҳал этиш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнининг муҳим босқичидир.

Судга тайёрлаш ишларини олиб боришда судьяларнинг фаолиятида нуқсон, камчилик бўлмаслиги керак. Хўжалик иши:

⁴⁶ Эгамбердиев Э. Жавобгар тарафлар манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти (Республика илмий-амалий конференция материаллари) Т. 2011.

- судда мазмунан кўрилгунига қадар даъвогар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча ишларни бажарган, ҳамма далилларни келтирган;

- жавобгар ҳам даъвога қарши эътирозларини судга кўрсатган, эътирозларни асослаш учун келтирилиши мумкин бўлган далилларни топширган;

- ишни кўриш учун тайёрлаш юзасидан барча процессуал ҳаракатлар судья томонидан қилинганидан сўнггина етарли даражада тайёрланган бўлиб ҳисобланади.

Агар тарафлар ўртасидаги низони суднинг бир мажлисидаёқ ҳал қилиш қийин бўлмаса, даъвогар эса ўзининг барча талабларини тўғри баён этган ва уларни асослаш учун зарур далилларни келтирган бўлса, судья даъвогарнинг ҳузурида ишни кўриш вақтини белгилаш ҳамда бу тўғрида ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилиш билангина чегараланади. Аммо бундай ҳолда ҳам судья ишни судда кўриш учун маълум даражада тайёргарлик кўриши лозим. Бундай тайёргарлик даъвогардан ариза қабул қилишдан, қатор масалалар бўйича суҳбатлашишдан иборат бўлади.

Шунинг ўзи билан судья ХПКнинг 122-моддасида кўрсатилган ҳаракатлардан бирини бажарган бўлади.

Ишнинг суд мажлисида кўрилишига тайёрлаш барча ҳолларда (процессуал ҳаракатларнинг ҳажми ва мураккаблигидан қатъий назар) ўтказилади ва хўжалик процессининг ҳар қандай босқичи каби махсус расмийлаштирилади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун киришиш расмий равишда бу тўғрида судья томонидан ажрим чиқарилганидан сўнг, яъни ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлашдан аввал бошланади.

Судья томонидан чиқарилган ажрим ишни тайёрлаш учун расмий равишда киришилганини ва тамомланишинигина билдирса ҳам, аммо ишни кўришга оид баъзи ҳаракатлар олдин ҳам, кейинчалик ҳам қилиниши, чунончи, даъвогарнинг низони ҳал қилиш учун ҳакамлар судига мурожаат

қилишга ҳуқуқли бўлиши тўғрисида тушунтиришлар бериш юзасидан судьянинг қилган ҳаракатлари даъво аризаси қабул қилингунга қадар ҳам бўлиши мумкин⁴⁷.

Хўжалик ишининг судда кўрилишига оид ҳаракатлар кейинчалик суд иши бошланганидан сўнг ҳам ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилганида ҳам ёинки юқори суднинг кўрсатмаси бўйича ҳам қилиниши мумкин.

Демак, хўжалик судларида ишларни кўришга тайёрлашдан мақсад ишларни мазмунан тўғри кўриш учун шароит яратиш билан бирга даъво талабларининг асосли эканлигини аниқлаш; тарафларнинг ҳуқуқий ҳолатини ишда иштирок этувчи шахсларнинг доирасини, низони мазмунан ҳал этиш учун тақдим қилиниши лозим бўлган далилларни аниқлашдан иборатдир.

Масалан, судья ишни суд муҳокамасида кўришга тайёрлаш учун

- даъвогарга – даъвогар иш кўриладиган кунга қадар ўз вакилини ишонч қоғози билан таъминлаши, шартнома, таққослаш далолатномаси, пенянинг ҳисоб-китоби ва бошқа ишга алоқадор ҳужжатларнинг асл нусхаларини;
- жавобгарларга - жавобгар иш кўриладиган кунга қадар ўз вакилини ишонч қоғози билан таъминлаши, даъво ариза юзасидан ёзма фикрни, шартнома, тақослаш далотлатномаси ва даъвони рад этувчи бошқа ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этишни юклаши мумкин.

Ушбу ҳуқуқий меъёрларнинг мазмунига кўра, судьянинг ҳаракатлари қатъий бўлмай, ишнинг ҳолатига асосланган ҳолда у бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Ишни судга тайёрлашда тегишли ҳаракатларни қилиш тўғрисидаги ажримни судьянинг ёлғиз ўзи ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан чиқаради ва бу ажрим устидан алоҳида тарзда шикоят қилинмайди⁴⁸.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2002.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

Судья ҳарҳолда ишнинг бир суд мажлисида кўрилиб, ҳал қилиниши учун барча тайёргарликни кўради. У шу мақсадда тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тўла тушунтиришга ҳаракат қилади.

Судья ишнинг мазмуни бўйича тўғри ҳал этилишида ёрдам кўрсатадиган гувоҳларнигина суд мажлисига чақиради. Баъзи ҳолларда ишнинг судда кўрилишига қадар ишни судга кўришга тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳаракатларни ҳам бажаришга тўғри келади. Чунончи, судья даъвони таъминлаш, суд харажатларини тўлашдан озод қилиш, уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтириш тўғрисидаги масалани ишнинг судда кўрилишига қадар ҳал қилади.

Биринчи навбатда даъвогар ишнинг кўрилишидан манфаатдор бўлганлиги сабабли у, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичига алоҳида тайёргарлик кўриши лозим. Шунингдек суд томонидан даъво аризаси қабул қилинганидан кейин вужудга келадиган қўшимча ҳолатлар, масалан, жавобгарнинг маълум ҳолатлар ва ҳужжатлар юзасидан билдирилган ёзма эътирозлари, судьянинг қўшимча далилларни тақдим этиш ҳақидаги кўрсатмаси, даъво асосини ташкил қилган ҳолатларнинг ва учинчи шахслар ҳаракатларининг ўзгариши туфайли вужудга келадиган қўшимча ҳолатларни аниқлаб, иш кўришга мазмунан чуқур тайёргарлик кўриш тақозо этилади.

Жавобгар ҳам пухта тайёргарлик кўриши лозим. Бу ҳол жавобгар моддий ва процессуал нормаларга таянган ҳолда ўз эътирозларини асослаш, даъвогар талабларини рад этувчи зарур далилларни келтириш ва уларни тақдим этиш механизмини ишлаб чиқишни талаб этади. Энг асосийси, ҳар икки тараф мустақил ҳолда ўзининг талаб ва эътирозларига сабаб бўлган асосий ҳолатларни кўрсатиши ва судни ишонтириши лозим.

Маълумки, ҳўжалик процессида ишни кўришда фақатгина тарафлар эмас, балки учинчи шахслар ҳам иштирок этади. Шунинг учун ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида улар ишни кўришга тайёрлашда қатнашишлари мумкин. Учинчи шахсларнинг

тайёргарлик босқичи биринчи навбатда иш ҳужжатлари билан танишишдан бошланади. Улар иш ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиш натижада тарафлар ўртасида вужудга келган низонининг мазмуни ва далилларни ўрганади, низога ва унинг объектига муносабатини билдириб, ўз позициясини ишлаб чиқади. Иш ҳужжатларини ўрганиш мазкур ишни кўриш натижаси уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қандай таъсир кўрсатишини объектив баҳолаш имкониятини беради⁴⁹.

Иш ҳужжатларида ёки тарафларда мавжуд бўлмаган далилларни учинчи шахслар келтириши мумкин. Бундай далилларнинг мавжудлиги ишнинг тўғри ҳал этилишига имкон беради.

2-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид ишни судда кўриб чиқиши

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қилади. Судья ХПКда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризасини хўжалик судининг иш юритишига қабул қилиши шарт. Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради. Бу ажримнинг мазмуни ишни мажлисда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин⁵⁰.

Даъво ҳужжатларини текшириш натижаси юзасидан судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида;
- даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида;
- даъво аризасини қайтариш тўғрисида.

Суд ХПКда назарда тутилган талабларга мувофиқ, тақдим этилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши шарт. Бу талабнинг

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик процессуал кодекси Т. "ОХС Ахборотномаси" 2012.

бажарилмаслиги даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ноқонуний ажримнинг бекор қилинишига олиб келади.

Даъво аризасини хўжалик суди иш юритувига қабул қилиш масаласи ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган суд ҳимояси ҳуқуқига эга эканлиги билан бевосита боғлиқдир. Даъво аризасини қабул қилишда келиб чиқадиган муносабатларнинг тартибга солиниши эса суд ҳимоясидан ҳамма фойдаланиши мумкинлиги тамойили билан боғлиқдир. Шунинг учун ХПКда қандай асосларда даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш мумкинлиги аниқ белгиланган⁵¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 1999 йил 29 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Даъво аризаларини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш бўйича суд амалиётининг тафсилоти»да таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 117-ва 118-моддаларини қўллаш бўйича суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари хўжалик судлари даъво аризаларини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш асосларини асосан тўғри қўллаётганликларини кўрсатади⁵².

Даъво аризасини иш юритувига қабул қилиш ва уни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримлар судьянинг хоҳишига қараб, битта ажримда баён этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда ажримда иш юритувига қабул қилиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги масалалар кетма-кетликда ёритилиши лозим бўлади.

ХПКнинг 117-моддасида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш мумкин бўлган асослар, рад этишни расмийлаштириш тартиби ва рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳолатлари баён этилган. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари хўжалик суди томонидан кенгайтирилиб шарҳланиши мумкин эмас. Ушбу асосларни кенг шарҳ этишга йўл қўйилмаслиги хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаро-

⁵¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

тадбиркорларнинг хўжалик судига даъво тақдим этиш ҳуқуқини кафолатлайди.

ХПКнинг 117-моддасига мувофиқ:

1) хўжалик судининг судьяси даъво аризасини қабул қилишда агар низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса ёки хўжалик суди судловига тааллуқли бўлмаса, даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Бу ерда сўз идоравийлик тамойилининг бузилганлиги ҳақида кетади. Чунки Конституциявий суд ёки бошқа судларнинг ваколатига тегишли бўлган низолар ёки бошқа ишлар ёхуд қонунга мувофиқ бошқа юрисдикция идоралари томонидан ҳал этиладиган низолар ёки бошқа ишлар хўжалик судида кўриб чиқилмайди. Шу билан бирга бу бандда тааллуқлилиқ масаласи ёритилган бўлиб, хўжалик судларига тааллуқли низолар тоифалари ХПКнинг 23, 24-моддаларида батафсил кўрсатилган. Қайд этилган ишлардан ташқари қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Хўжалик судлари ушбу банд бўйича даъво аризаларини қабул қилишни рад этишда ХПКнинг 23-моддаси 5-қисмида кўрсатилган, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда ҳамма талаблар умумий судда кўрилиши керак, деган қоидадан ҳам қўллашлари лозим;

2) айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса даъво аризани қабул қилиш рад этилади⁵³.

Ушбу асосни амалиётда қўллашда хатоликлар ҳам мавжуд. Масалан, Навоий вилоят хўжалик суди, даъвогар - “Мифини” хусусий фирмасига жавобгар - “Сарбон” жамоа корхонасидан 750360 сўм ундириш тўғрисидаги 02/09-41-сонли иш бўйича ажрим билан ХПКнинг 117-моддаси 2-қисмига кўра шу томонлар ва шу предмет бўйича улар ўртасидаги низо юзасидан

⁵³ Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси Т. “ОХС Ахборотномаси” 2012.

вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори мавжуд, деган асос билан даъво аризасини қабул қилишни рад этган. Даъвогар бу ажрим устидан шикоят берган. Апелляция инстанциясида аниқланишича, даъвогар даъво ариза берганидан бошлаб, иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар бўлган давр учун пеня сўраб мурожаат этган. Биринчи даъво бўйича эса бундай талаб қўйилмаган, шунинг учун апелляция инстанцияси томонидан бу ажрим бекор қилиниб, ХПКнинг 172-моддасига кўра ишни биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқиш учун юборилган⁵⁴;

3) хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлар судининг иш юритишида айтилган бир шахслар ўртасида, айтилган бир предмет тўғрисида ва айтилган бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

4) айтилган бир шахслар ўртасидаги, айтилган бир предмет тўғрисидаги ва айтилган бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

ХПКнинг 117-моддасида қайд этилган асослар бўйича хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини қабул қилиш рад этилганида даъвогар айтилган бир шахслар ўртасидаги, айтилган бир предмет тўғрисидаги ва айтилган бир асослар бўйича ҳамда низо хўжалик судига тааллуқли бўлмагани учун у юзасидан хўжалик судига қайта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Хўжалик процессуал кодексининг 117-моддаси 2, 3, 4-бандларида кўрсатилган асослар билан даъво аризани қабул қилишни рад этиш ҳолатлари суд амалиётида кам учрайди. Ушбу ҳолатлар кўпинча судда иш қўзғатилганидан сўнг, ишда иштирок этувчи шахслар орқали аниқланади,

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

бундай ҳолатларда суд ХПКнинг 86-моддаси 2-бандини қўллаб, иш юритишни тугатади.

Қонунга биноан (6-модданинг 6-банди) хўжалик судлари томонидан аризалар (шикоятлар) қайтарилганда ёки уларни қабул қилиш рад этилганида давлат божи ҳам қайтарилади.

Хўжалик суди судьясининг даъво аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кундан берилган, деб ҳисобланади.

Хўжалик судлари даъво аризаларни қабул қилишда Хўжалик процессуал кодексининг 118-моддасида кўрсатилган камчиликлар борлигини аниқласалар тақдирда даъво аризаларни қайтаришлари лозим. Ушбу моддада даъво аризани қайтариш асослари рўйхати, бу процессуал ҳаракатни расмийлаштириш, даъво аризани қайтариш ҳақидаги ажрим устидан шикоят бериш тартиби ва қайтаришнинг ҳуқуқий оқибатлари ёритилган.

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасини ХПКнинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

1) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

2) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида, жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Хўжалик судининг судьяси юқорида қайд этилган асослар мавжудлигини аниқлаган ҳолларда даъво аризасини қайтариш ҳақида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради⁵⁵.

Даъвогарга жўнатиладиган ажримга даъво материаллари қўшиб юборилади. Ушбу ҳолатда ҳам давлат божини қайтариш масаласи муҳимдир, у «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳолларда қайтарилади. Судьянинг даъво аризани қайтариш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин ва томонларнинг ушбу ҳуқуқлари ажримнинг ҳулоса қисмида албатта ёритилиши лозим. Даъво аризани қайтариш ҳақидаги ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кундан берилган деб ҳисобланади. Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилганидан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2002.

Иш юритишни тўхтатиш хўжалик ишининг судда ҳал қилинишига тўсқинлик қиладиган муайян ҳолатларнинг рўй бериши туфайли иш юзасидан процессуал ҳаракатларнинг тўхтатилишини билдиради. Иш кўришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар турлича бўлиб, у судга ҳам, тарафларга ҳам боғлиқ бўлмайди ва қачон бундай тўсиқ бартараф қилиниши номаълум бўлади. Шунинг учун суд ишни аниқ маълум вақтга тайинлаш имкониятига эга бўлмайди. Шу сабабли, суд процессуал ҳаракатларни вақтинча тўхтатади. Иш юритишни тўхтатиш асослари **мажбурий** ва **факультатив** асосларга бўлинади.

Иш юритишни тўхтатишнинг мажбурий асослари ХПКнинг 82-моддасида белгиланган. Бу қоидада кўрсатилишича, хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

1) ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда; (ЎзР 30.08.2002 й. Қонуни таҳриридаги банд)

2) жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

3) фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

4) фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда. Хўжалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради.

Хўжалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради⁵⁶.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси Т. “ОХС Ахборотномаси” 2012.

Иш юритишнинг факультатив, яъни қўшимча, мажбурий бўлмаган асоси ХПКнинг 83-моддасида белгиланган. Бу қонунда:

- 1) хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;
- 2) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;
- 3) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор-бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

Иш юритишни тўхтатиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқариши лозим. Суднинг иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин (ХПКнинг 85-моддаси). Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганда, ишда иштирок этувчи шахслар аризаси ёки суднинг ташаббуси билан қайта тикланади⁵⁷.

Суд иш юритишни қайтадан бошлаганида ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларга мувофиқ чақиради.

Иш юритилишининг тўхтатилишини аризани кўрмай қолдиришдан ва иш кўришни кейинга қолдиришдан ажрата билиш керак. Уларнинг фарқи юқорида келтирилган моддаларнинг мазмунидан англашилади.

Иш юритишни тугатиш ўзининг мазмуни билан даъво талабини қўзғатган шахс ўз ҳуқуқини суда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эмаслигидан далолат беради, суд эса бундай ишларни ўз иш юритишига қабул қилишга ҳақли эмас. Суд тарафнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги сабабли иш юритишни тугатади. Бу манфаатдор шахсни шу иш бўйича қайтадан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал қонунчилиги судда иш юритишни низо юзасидан ҳал қилув қарор чиқармасдан тамомлашнинг икки шаклини: иш юритишни тугатиш ва аризани кўрмай қолдиришни белгилайди. Иш юритишни тугатиш деганда, суднинг иш юзасидан фаолияти

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси Т. “ОХС Ахборотномаси” 2012.

даъвогарнинг худди шу иш бўйича судга қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан тугатилиши назарда тутилади.

Аризанинг кўрилмай қолдирилишида эса иш юритиш тамомланса ҳам, аммо даъвогарга даъвонинг кўрилмай қолдирилишига асос бўлган тўсқинликлар бартараф қилинганидан сўнг худди шу иш бўйича қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Иш юритишни тугатишнинг юқорида санаб ўтилган асослар қатъий бўлиб, кенгайтирилмайди ва унга бошқа асослар қўшилмаслиги керак.

Иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради. Хўжалик судининг ажримда суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги хўжалик судининг қарори устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Агар иш юритиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд ариза берувчига қайси идорага мурожаат қилиш кераклигини кўрсатиши лозим.

Иш юритиш тугатилган тақдирда, худди шу тарафлар ўртасида ўша нарсга тўғрисида ва ўша асослар бўйича қилинган низо юзасидан судга қайтадан мурожаат қилишга қонун йўл қўймайди⁵⁸.

Хўжалик ишларининг суд мажлисида кўрилиши ва ҳал этилиши хўжалик процессининг муҳим босқичи бўлиб, катта сиёсий ва процессуал аҳамиятга эгадир. Бу босқичда суд, биринчи инчтанция тариқасида ишни мазмунан кўради, тўпланган далилларнинг қанчалик тўғрилигини аниқлайди,

⁵⁸ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқий муносабатларини текширади ва ишнинг ҳолатига қараб, қонунга риоя этган ҳолда, ҳал қилув қарори чиқаради⁵⁹.

Суд хўжалик ишларини кўриш ва ҳал қилишда ўз фаолиятини давлатнинг, фуқароларнинг ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратади. Шунинг ўзи билан суд айтиш босқичида одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширади. Судда ишни кўриш деганда, фақат ваколатига, яъни судда кўришга тегишли бўлган хўжалик ишларинигина суд мажлисида кўрилиши назарда тутилади.

Ишни судда кўриш босқичида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг қатор тамойиллари амалга оширилади: масалан, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши; ишларни ошкора кўриш; тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги; тортишувлик; узлуксизлик; далилларнинг даҳлдорлиги ва ҳоказо.

Хўжалик судларида сансалорликнинг олдини олиш мақсадида қонунда белгиланган муддатда ишни кўриш талаб этилади. ХПКнинг 125-моддасига мувофиқ, ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак. Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкинлиги ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг чиқарган қатор қарорларида хўжалик ишларини судда кўришда қонунчиликка қатъий риоя қилиш, процессуал нормаларнинг бузилишига, тарафларнинг ҳуқуқларини бузишга йўл қўймаслик зарурлиги қайд қилинади. Хўжалик ишлари бўйича судларнинг суд процессини тўғри, аниқ ташкил қилиши низоларнинг келиб чиқишининг, энг муҳими, хўжалик-ҳуқуқий муносабатлари бузилишининг олдини олишга ёрдам беради. Процессуал

⁵⁹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

қонунларнинг бузилиши, иш юзасидан чиқарилган қарорни апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлади.

Хўжалик ишлари умумий қоида бўйича ошқора кўрилади, бу эса, ўз навбатида одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг назоратини таъминлайди. Қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда иш ёпик суд мажлисида кўрилади.

Ҳар бир иш бўйича иш кўриш (дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари) узлуксиз давом этади. Суд бошланган ишнинг кўрилишини тамомламасдан ёки уни кўришни бошқа вақтга қолдирмасдан туриб, бошқа ишларни кўришга ҳақли эмас.

Хўжалик ишларини ҳал қилишда суд мажлиси: тайёрлов қисмига, ишни мазмуни бўйича кўриш, суд музокаралари, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш қисмларига бўлинади.

Суд мажлисининг ҳар қайси қисми мустақил аҳамиятга эга ва бир-бири билан боғлиқ бўлиб, кетма-кет ўтказилади. Буларнинг ҳар қайсисида муайян масалалар ҳал қилинади ва кейинги қисмга ўтиш учун тайёргарлик кўрилади.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида суд хўжалик ишини мазкур суд мажлисида кўриш учун зарур шарт-шароитлар бўлиш-бўлмаслигини аниқлайди.

Суд мажлисида ҳозир бўлган гувоҳлар сўроқ учун чақирилишларига қадар суд мажлиси залидан чиқариб турилади. Раислик қилувчи судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг сўроқ қилинмаган гувоҳлар билан бирга бўлмасликлари учун чоралар кўради (ХПКнинг 126-моддаси)⁶⁰.

Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини четлаштириш (рад қилиш) тартиби кўрилади.

Хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, ХПК ва бошқа қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси 2002.

Суд мажлиси бошланиши билан раислик қилувчи ишда иштирок этаётган шахсларга ва вакилларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва бурчларини тушунтиради ҳамда у билан бирга уларни муайян процессуал ҳаракатларни қилишлари ёки қилмасликларининг оқибатлари тўғрисида огоҳлантирилади.

Бундан сўнг суд ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг янги далиллар талаб қилиб олиш ҳамда ишнинг кўрилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича илтимосларини ҳал қилишга киришади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномаларини хўжалик суди ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач, ҳал қилади.

Хўжалик суди аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Судья ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни таклиф қилган даъво аризалари юзасидан ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни унда мавжуд материаллар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Хўжалик ишининг судда мазмунан кўрилиши қисми раислик қилувчининг қандай иш кўрилиши, кимнинг кимга нисбатан нима тўғрисидаги даъвоси ёинки бирон-бир юридик фактнинг белгиланиши ҳақида

илтимос билан мурожаат қилинганлиги тўғрисидаги маърузаси билан бошланади⁶¹.

Ишни мазмунан кўриш қисмида суд даъво талабларининг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга киришиб, судья тақдим этилган далилларнинг тегишлилигини, тарафларнинг тушунтиришларини таҳлил қилади. Ишни кўришнинг бу қисмида суд бевоситалик тамойилига амал қилади.

Биринчи инстанция суди хўжалик ишини кўраётганда ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, эксперт ва мутахассисларнинг хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши шарт.

Ишни кўриш оғзаки равишда ўтади. Ишни кўриш жараёнида судья алмаштирилган тақдирда, иш бошидан қайта кўрилиши керак.

Сўнгра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаш-қувватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларига иқдор бўлишини ёки иқдор эмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлашни иташ-истамасликларини сўрайди. Бундан сўнг судья тарафларга ва учинчи шахсларга иш бўйича қўлларида бўлган далилларга асосланиб, тушунтиришлар беришни таклиф қилади. Аввало даъвонинг мазмуни даъвогардан эшитилади, бундан сўнг даъвогар тарафида туриб ишда қатнашувчи учинчи шахс тушунтириш беради. Сўнгра тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципига биноан тушунтиришни жавобгар ва унинг тарафида туриб ишда иштирок этувчи учинчи шахс беради. Прокурор, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво кўзгатган шахслар биринчи бўлиб сўзга чиқадиладар (даъвонинг мазмунини баён қиладилар). Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисида эркин ҳуқуқ тамойилига кўра бир-бирларига саволлар беришга ҳақлидирлар.

⁶¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

Тарафларнинг тушунтиришлари эшитилгандан сўнг иш ҳолатини тушунтириш учун сўз ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга берилади. Ишда иштирок этувчи барча шахсларнинг тушунтиришлари эшитилганидан сўнг суд гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш ва иш ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган бошқа исботлаш воситаларини текшириш тартибини белгилайди. Бу масалани ҳал қилишдан олдин суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва прокурорнинг фикрини эшитади ва суднинг ажримига мувофиқ суд мажлиси залига бирма-бир гувоҳларни чақиради.

Ёзма далилларни текширишда суд оғзакилик принципига биноан уларни тўла ёки ишга оид қисмини ўқиб эшиттириши ва ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда лозим ҳолларда экспертларга, мутахассисларга ҳамда гувоҳларга кўрсатиши ва бундан сўнг ишда иштирок этувчи шахслар булар юзасидан тушунтиришлар беришлари мумкин.

Судга келтириш мумкин бўлмаган ашёвий ва ёзма далиллар уларнинг турган жойида кўздан кечирилади ва текширилади. Жойларда кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Кўздан кечириш жойига борганда раислик қилувчи суднинг иш кўришни давом эттириши тўғрисида эълон қилади, ишни кўриш фуқаролик процессуал қонунларда белгиланган қоидалар бўйича олиб борилади. Кўздан кечиришнинг натижалари суд мажлиси баёнига киритилади. Баёнга кўздан кечириш пайтида тузилган ёки тасдиқланган режалар чизмалар, суратларни ҳам кўшиш мумкин.

Айрим ҳолларда иш кўриш жараёнида турли ҳолатлар келиб чиқиши туфайли ҳал қилув қарорини бир процесснинг ўзида чиқариш имконияти бўлмайди. Шунинг учун судья ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра танаффус эълон қилиши мумкин.

Агар танаффус ичида хўжалик судига тегишли ҳужжатлар ёки бошқа талаблар бажарилмаса, суд иш кўришни кейинга қолдиради. Бу қонунда хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва

таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Суд томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб, ишни тўла ва ҳар томонлама кўриш мақсадида жавобгарга қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлигини таъкидлади ҳамда суд мажлисига лойиҳа ташкилоти ва аудиторлик фирмаси ходимларини гувоҳ сифатида чақириш учун иш кўришни кейинга қолдиришни лозим деб топди.

Хўжалик процессуал кодексининг 56, 70, 131 ва 151-моддаларига асосланиб, иш кўриш 23.03.2004 йил соат 16-00 га қолдирилиб, суд мажлисини жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига ўтказиш ҳақида ажрим қилинди.

Жавобгарга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш топширилди:

- пудратчи ва лойиҳа ташкилоти ўртасидаги барча ёзишмалар;
- қурилишнинг бориши тўғрисидаги режадаги йиғилиш баённомалари;
- вазирликнинг бинони таъмирлаш тўғрисидаги буйруғи;
- бош бухгалтернинг ишдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги буйруқ ҳамда унга асос бўлган ҳужжатлар;
- аудиторлик фирмаси билан тузилган шартнома⁶².

Хўжалик суди янги мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган хат билан ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинадилар.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади (ХПКнинг 131-моддаси).

⁶² Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари. “ОХС Ахборотномаси” (2003-2009й.й.)

3-§. Қурилиш пудрати шартномасига оид иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори

Хўжалик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суднинг мулоҳаза ва хулосалари муайян процессуал шаклда белгиланган тартибда чиқариладиган суд қарорлари тарзида ифода этилади. Суднинг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарорига ҳал қилув қарори деб айтилади.

Хўжалик суди биринчи инстанцияда давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишлари билан боғлиқ низоларни кўриш чоғида, ўзининг ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасида келиб чиққан моддий-ҳуқуқий низога қонунларга асосланиб баҳо беради, бузилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни тиклайди.

Суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим асоси ҳисобланади. Бу эса судларга ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва эътибор билан ёндашиш мажбуриятини юклайди. Ҳар бир иш бўйича ҳал қилув қарори **қонуний** ва **асослантирилган** бўлиши лозим⁶³.

Қарорларнинг қонунийлиги деганда, муайян низолар бўйича ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишда процессуал ва моддий ҳуқуқ талаблари тўлиқ ва аниқ қўлланган қарорлар тушунилади. Иш учун аҳамиятли бўлган барча ҳолатлар, келтирилган далилларни исботловчи фикрлар томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатувчи ҳолатларни тасдиқласа, қарор **асослантирилган** бўлади. Қарорлар иш ҳолати бўйича таҳминларга асосланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 141-моддасига кўра, шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шарти бўйича қабул қилинган қарор, шартнома тузишга мажбурлаш

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

тўғрисидаги низо бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишга мажбурлиги кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорига суднинг ишни кўришни якунлаш борасидаги ҳаракати ҳамда суд инстанциясининг маълум бир низони мазмунан ҳал қилиш натижаси ҳақидаги маълумотларни акс эттирган муҳим ҳужжати сифатида қаралади.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради⁶⁴.

Процесснинг узлуксизлиги принципига мувофиқ ҳал қилув қарори иш кўрилиши биланок дарҳол чиқарилиши лозим. Бироқ қонун алоҳида мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган қарор чиқаришнинг кўпи билан уч кунгача кечиктирилиши мумкинлиги тўғрисида кўрсатма беради. Барча ҳолларда суд ишни кўриб бўлганидан сўнг ҳал қилув қарорини чиқариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга киришади.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқаради. Маслаҳат вақтида ва ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида маслаҳатхонада шу иш бўйича суд таркибига кирадиган судьяларгина бўлиши мумкин. Алоҳида хонада бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Суд томонидан ишни кўриш пайтида келиб чиқадиган барча масалалар алоҳида хонада судьялар томонидан кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Ҳайъат тартибида ҳар қандай масалани ҳал қилишда судьялардан ҳеч бири овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи энг кейин овоз беради. Судьялар маслаҳат вақтидаги муҳокамаларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асосли бўлиши лозим, акс ҳолда бу қарор кейинчалик апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши мумкин. Суд ўз ҳал қилув қарорини фақат суд мажлисида текширилган далилларгагина асослайди.

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси Т. “ОХС Ахборотномаси” 2012.

Ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги деганда, хўжалик судининг қарорлари моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларга асосланиб чиқарилиши тушунилади.

Суднинг ҳал қилув қарори асосли бўлиши учун суд мажлисида далиллар тўғри текширилиши ва унга баҳо берилиши, суднинг хулосалари иш талабларига мос бўлиши лозим.

Суд ҳал қилув қарорининг мазмуни. Ўзбекистон Республикасида кўрилган хўжалик ишлари юзасидан суд Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарган ҳал қилув қарорида тарафлардан бирининг маълум ҳуқуқини ва иккинчи тарафнинг маълум мажбуриятини эътироф этади ва шунга биноан буйруқ беради.

Суднинг ҳал қилув қарори қисқа, шу билан бирга масаланинг барча томонларини ўз ичига олиши ва равшан бўлиши керак. Суднинг қандай факт ва далилларга биноан шундай хулоса чиқарганлиги, у ёки бу қонунни татбиқ қилганлиги ва суднинг иш юзасидан қандай қарор чиқарганлиги ҳал қилув қарорининг мазмунидан кўриниб туриши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарорида шундай асослар бўлиши керакки, суд даъво талабларини қаноатлантирганда ёки даъвони рад қилганда нимага амал қилганлиги ва суднинг нима учун бир хил исботларни тўғри деб топганлиги ва иккинчи бир хил исботларни рад қилганлиги кўриниб турсин. Хар бир ҳал қилув қарори аниқ бўлиши учун тўрт қисмдан: кириш, баён қилиш, асослантириш ва хулоса (қарор) қисмларидан иборат бўлишлиги қонунда белгиланган.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилиши лозим. Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида кўрсатилган сана, суд мажлисида қарор эълон қилинган кун кўрсатилади. Бу тартиб суд мажлисида қарорнинг хулоса қисми эълон қилинаётганда ҳам амалда бўлади. Шунинг учун

судьялар томонидан имзоланган ва суд мажлисида эълон қилинган қарорнинг асослантирилган ва хулоса қисмларига ҳам қарор қабул қилинган бир хил сана қўйилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза, илтимоснома ва бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача мазмуни ифодаланиши лозим⁶⁵.

Ҳал қилув қарорининг юқорида кўрсатилган баён қисми мумкин қадар қисқа ёзилиб, низонинг нимадан иборат экани тўла баён қилиниши керак. Бу қисмда даъвогарнинг талаблари ва уларнинг асослари, шунингдек даъвогарнинг талабига қарши жавобгарнинг эътирозлари ва бу эътирозларга сабаб бўлган материаллар баён қилинади. Агар учинчи шахс мустақил талаб билан арз қилган бўлса, бу қисмда учинчи шахсларнинг ҳам иштирок этганлари ва уларнинг талаблари кўрсатилиши керак. Агар иш юзасидан бир марта ҳал қилув қарори чиқарилиб, апелляция, кассация ёки назорат тартибида иш бекор қилинган бўлса, муқаддам қарорлар чиқарилганлиги ва юқори суд ўзининг ажримида қандай кўрсатмалар бергани кўрсатилиши керак.

Суд амалиётида ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмини ёзишда турли хатолар учрайди. Баъзан қарорнинг бу қисмида ишдаги барча ҳолатларнинг мазмуни, тарафларнинг барча баёнотлари ҳеч бир зарурат бўлмаса ҳам тўла равишда ёзилган бўлади. Қарорда тарафлар ўртасида даъво қилинаётган нарсани, шартномани аниқлаш учун зарур бўлган факт ва далилларгина баён қилиниши, яъни даъвогарнинг нимани ва қандай асосга биноан ўша нарсани талаб қилганлиги ҳамда жавобгар даъвогарнинг қандай талабларига ва нима учун эътироз қилганлиги кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва ҳўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирилган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатларини кўрсатиши лозим. Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд тарафлар топширган ҳужжатларни, суд мажлисида аниқланган фактларни таҳлил қилиб, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида чиқарилган хулоса ва бу муносабатларга берилган юридик баҳони кўрсатиши лозим. Бошқача айтганда, суд ҳал қилув қарорининг шу қисмида далилларга баҳо беради, қандай фактларнинг аниқланган деб ҳисобланганини ва даъвогарнинг қандай талаблари ёки жавобгарнинг қандай эътирозларини тўғри деб топганини ва қандай қонунларга биноан тўғри деб ҳисоблаганини кўрсатиб ўтади.

Судьялар ишдаги ҳужжатларга, далилларга шахсий фикрига қараб баҳо берадилар. Аммо судьяларнинг фикрлари асоссиз бўлмаслиги, ишнинг суд аниқлаган ҳолатларига асосланган бўлмоғи лозим. Суднинг ҳал қилув қароридан ва бу қарорни текширувчи юқори судга суднинг нима учун шундай қарорга келганлиги ва тарафларнинг талабларини тўғри ёки нотўғри деб топишга қандай асос борлиги очик кўриниб туриши керак. Бундан ташқарии, суд нима учун у ёки бу қонунни, моддий-ҳуқуқий нормани қўллаганлигини кўрсатиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса (қарор) қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши зарур.

Ҳал қилув қарорининг хулоса (қарор) қисмида суд қандай қарорга келган бўлса, ўша ёзилади. Қарорининг бу қисмида, агар даъво қондирилган бўлса, жавобгар нимани бажариши кераклиги қатъий, аниқ ва равшан кўрсатадиган буйруқ шаклида ёзилиши керак. Агар даъво қисман қондирилса, суд қандай талаблар қондирилганлиги ва қандай талаблар рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши керак. Агар суд даъвонинг ҳаммасини рад

қилишни зарур деб топса, балки қайси даъвогарнинг даъвоси, қандай даъво ва қайси жавобгарга нисбатан бўлган даъво рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши лозим⁶⁶.

4-§. Қурилиш пудрати шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал қилинишига оид хўжалик судлари амалиёти

Қурилиш пудрати шарномаси муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиб ҳал қилишда хўжалик судларининг суд амалиётида қуйидаги масалалар ва улар юзасидан тушунтиришларни кўриш мумкин:

Ваколатга эга бўлмаган шахслар томонидан тузилган, лекин кейинчалик буюртмачи томонидан маъқулланган қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномаси юзасидан ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим⁶⁷.

Пудратчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, буюртмачидан бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжати асосида бажарилган ишлар учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

Буюртмачи қарши даъво тақдим этиб, шартнома ваколатга эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлигини инобатга олиб, шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди буюртмачининг қарши даъво талабларини қаноатлантирган, пудратчининг даъво талаблари эса рад этилган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, буюртмачининг қарши даъво талабларини қуйидаги асосларга кўра рад этган:

пудратчи томонидан қурилиш ишлари бажарилиб турган даврда буюртмачи оралиқ тўловларни амалга оширган. Иш ҳужжатларида, шунингдек давлат буюртмачиси раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган

⁶⁶ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳукуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

алоҳида турдаги ишларни бажаришнинг ўзига хос хусусиятларини баён этувчи ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Буларнинг барчаси буюртмачининг битим юзасидани ўз розилиги мавжудлигини билдиради.

Шунинг учун ҳам шартномага асосланган ҳолда бажарилган ишлар учун буюртмачи томонидан ҳақ тўланиши лозим.

*Қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасида муддат ҳақидаги шартлар кўрсатилмаган бўлса, у тузилмаган ҳисобланди*⁶⁸.

Бош пудратчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, буюртмачи томонидан ишларни бажариш учун техник ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмагани учун қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасига мувофиқ пеня ундиришни сўраган.

Буюртмачи пудратчининг даъво талабларига эътироз билдириб, у давлат контрҳужжатида бажариладиган ишларнинг муддати кўрсатилмаганлиги, бу эса шартноманинг тузилмаган деб ҳисобланишини асос қилиб келтиради.

Суд пудратчининг даъво талабларини қуйидаги асосларга қаноатлантирмаган:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддасига кўра, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 666-моддасига мувофиқ ҳам қурилиш пудратии шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса пудратчига

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қоида тариқасида, ишларни бажариш муддати давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 364-моддасига кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Бу турдаги шартнома учун муҳим шарт бўлган муддатнинг унда акс эттирилмаганлиги шартнома тузилмаган деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Шундай қилиб, буюртмачи техник ҳужжатларни топшириш ҳақида ҳеч қандай келишувга эришмаганлиги учун шартнома юзасидан пеня ундирилиши мумкин эмас.

*Шартномада баҳони аниқлашнинг усули назарда тутилган бўлиши мумкин*⁶⁹.

Пудратчи хўжалик суди даъво аризаси билан мурожаат этиб, буюртмачидан бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжати асосида қиймати учун тўловни ундириб беришни сўраган.

Даъвогар ўз даъво талабларини шартномада белгиланган аниқ баҳо билан асослантириб, унга кўра шартноманинг баҳоси смета баҳосининг бошланғич талаби даражаси ва ишларни топшириш куни давлат томонидан белгиланган нархларнинг кўрсаткичларига биноан ҳисоб-китобларнинг индекс қийматларини қўллаш орқали аниқланиши керак эди.

Буюртмачи томонидан имзоланган ишларни қабул қилиш ҳужжатида индекснинг аниқ тури кўрсатилган эди.

Буюртмачи даъво талабларига қарши ўз фикрини билдириб, у индексларни қўллаш шартномага қўшимча келишув асосида амалга

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

оширилиши лозимлиги, бу эса тарафлар ўртасида қилинмаганлиги ва ҳисоб-китобларни амалга оширишда улар ҳуқуққа хилоф эканлигини билдирди.

Фуқаролик кодексининг 636-моддасига кўра, пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади. Улар шартномада кўрсатилган бўлмаса, ишнинг баҳоси 356-модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинadиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

Қурилиш пудрати шартномасидаги ишнинг баҳоси пудратчининг чиқимларини ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига олади.

Ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин. Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади.

Ишнинг баҳоси (смета) тахминий ёки қатъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) қатъий ҳисобланади.

Агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисми баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин.

Буюртмачини қурилиш пудрати шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) ошириш зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирмаган пудратчи иш учун шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Пудратчи, коида тариқасида, қатъий баҳо (қатъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Пудратчи томонидан такдим қилиниши керак бўлган материаллар ва ускуналар, шунингдек учинчи шахслар томонидан унга кўрсатиладиган хизматлар баҳоси анча ошган ва буни шартнома тузиш вақтида назарда тутиш мумкин бўлмаган ҳолларда ушбу Фуқаролик кодексининг 383-моддасига биноан пудратчи белгиланган иш баҳосини (сметани) оширишни талаб қилишга, буюртмачи бу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса, шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Демак, ҳисоб-китоблар шартномада белгиланган тартибда амалга оширилиш лозим.

Шартномада ишларнинг баҳоси қуйидаги икки қисмдан иборатлиги белгиланган:

- 1- аниқ сумма билан белгиланадиган сметали;
- 2- амалдаги индекс қийматининг кўрсаткичлари⁷⁰.

Баҳони аниқлашнинг усули сифатида тарафлар томонидан қўшимча келишувларсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишга имконият берувчи шакл келишилган. Пудратчи ва буюртмачи ўртасида узоқ муддат мобайнида оралик тўловларни амалга ошириш жараёнида баҳо юзасидан бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай келишмовчиликлар бўлмаган.

Шартномада ҳар бир ўзгартирилган баҳо индексининг кўрсаткичларини шартномага киритиб бериш назарда тутилмаган. Шунинг учун ҳам, даъвогар томонидан аниқланган миқдор бўйича даъво талабларини қаноатлантириш лозим.

⁷⁰ Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом. // Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2003 - сентябрь.

*Маъмурий ҳужжат асосида бажарилган ва буюртмачи томонидан қабул қилинмаган ишлар учун тўлов амалга оширилмайди*⁷¹.

Масъулияти чекланган жамият хўжалик судига мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимияти бошқа пудратчи билан ишларни бажариш учун шартнома тузгунга қадар шаҳар маъмуриятининг кўрсатмасига бинони бинода қурилиш ишларини амалга оширгани учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, шаҳар маъмурияти масъулияти чекланган жамияти томонидан бинони қайта таъмирлаш ўтказиш ва кейинчилик унда банкнинг фаолиятини таъминлаш мақсадида фармойиш чиқарган.

Шаҳар маъмурияти томонидан масъулияти чекланган жамиятига бир ой муддатда қайта таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан шартномасининг лойиҳасини тузиб келиш юклатилган эди.

Лекин, масъулияти чекланган жамияти бир йилга қадар шартноманинг нусхасини тақдим этмаган. Шундан сўнг, шаҳар ҳокимининг фармойиши бекор қилиниб, бинони таъмирлаш бошқа пудратчиларга топширилган.

Хўжалик суди даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлатирмади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддасига мувофиқ, пудрат юзасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар юзага келишининг асоси шартнома ҳисобланади. Давлат буюртмасининг ўзи пудрат ишлари бўйича фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди.

Мазкур ҳолат юзасидан пудратчининг ишларига шаҳар ҳокимияти ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод бўлади.

*Бош пудратчи томонидан ёрдамчи пудратчиларга бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш буюртмачи томонидан унга ҳақ тўланишидан қатъий назар амалга оширилади*⁷².

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

Ёрдамчи пудратчи хўжалик судига мурожаат қилиб, бош пудратчидан бажарилган ишларнинг ҳақи ҳамда ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 327-моддасига мувофиқ, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Бош пудратчи даъвони тан олмади, ёрдамчи пудратчиларга тўлов буюртмачидан пул маблағлари келиб тушмаганлиги тўғрисидаги вазларни келтирди.

Хўжалик суди бош пудратчининг келтирган вазларини асоссиз деб топиб, давъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Фуқаролик кодексининг 634-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки қурилиш пудрати шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 241-моддасига кўра, агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт.

Мажбурият бажарилмаганлиги учун, башарти, қонун ҳужжатлари ёки шартномада учинчи шахснинг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади. Шунингдек, Фуқаролик кодекси 334-моддасига мувофиқ, башарти, қонун ҳужжатлари ёки шартномада бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахсларнинг

мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавоб беради.

Демак, бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлади, буюртмачи олдида эса, ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

Ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган ишлар ва уларнинг қиймати ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан тасдиқланган ва улар юзасидан томонлар ўртасида ҳеч қандай низо келиб чиқмаган.

Бош пудратчининг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида жавобгар бўладилар. (Фуқаролик кодексининг 634-моддаси.)

Мазкур ишдаги қурилиш пудрати шартномасида бундай шартлар назарда тутилмаган. Шунинг учун ёрдамчи пудратчи бош пудратчидан буюртмачи томонидан пул маблағларининг келиб тушган ёки тушмаганлигидан қатъий назар, бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаши лозимлиги тўғрисидаги даъво талаблари асослидир.

*Буюртмачи, агар қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасида бажарилган ишлар учун ҳақни пудратчига топширилган материаллар асосида тўлаш мажбурияти бажарилмаган бўлса, бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаши шарт*⁷³.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

Пудратчи хўжалик судига мурожаат этиб, буюртмачидан бажарилган ишларнинг ҳақи ҳамда ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

Буюртмачи даъво талабларини тан олмади ва пудратчига тўлов ғишт маҳсулотларини етказиб бериш асосида амалга оширилиши назарда тутилганлиги ва бу ерда ҳеч қандай пул мажбуриятлари мавжуд эмас, деган важларни келтирди.

Хўжалик суди даъво талабларини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантирди:

шартномада бажарилган ишларнинг қиймати тўғрисидаги қоидалар мавжуд, лекин улар ғишт маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиниши назарда тутилган. Буюртмачи томонидан мажбуриятлар бажарилмаган.

Фуқаролик кодексининг 666-моддасига мувофиқ, буюртмачи пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олган ва унда пул мажбуриятлари юзасидан тўловни амалга ошириш мажбурияти вужудга келади.

Бундан ташқари, буюртмачи мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлиги натижасида ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаши лозим.

*Буюртмачи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжатининг имзоланганлиги, унинг иш ҳажми ва қиймати юзасидан даъво аризаси билан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди*⁷⁴.

Пудратчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, буюртмачидан икки томонлама имзоланган ҳужжатлар асосида бажарилган ишлар учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.

Буюртмачи тўловни амалга оширишдан бош тортиб, амалда ишлар шартномада назарда тутилган ҳажмдан камроқ бажарилгани ва уларнинг қиймати ҳисоб-китоб қилинганда шартномада назарда тутилмаган баҳолар қўлланилганлиги ҳақидаги вазларни келтирди.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг даъво талаблари ишларнинг буюртмачи томонидан қабул қилинганлиги асос қилиб келтирилиб, қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириб, пудратчига бажарилган ишлар ҳажмига мувофик ҳолда, ҳар ойда шартлашилган баҳода пул ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга асосланди.

Жавобгар томонидан тақдим этилган далиллар асосида бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжатида алоҳида турдаги ишларнинг ҳажми ва уларнинг смета қиймати ошириб кўрсатилганлиги тасдиқланди.

Лекин бу буюртмачини амалда бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод этмаган эди. Шунинг учун, асосий қарзни ундириш тўғрисидаги талаб қисман қаноатлантирилди ва ундирилган суммадан ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз ҳисоблаб чиқилди.

*Буюртмачи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжатининг имзоланганлиги унинг ишининг сифати юзасидан ўз эътирозларини билдириб, судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди*⁷⁵.

Пудратчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2003 йил декабрь ойида бажарилган ишлар учун буюртмачидан ҳақ ундириб беришни сўраган.

Қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасига кўра, ҳар ойда бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжати – Ш-2га асосланиб, ўтган ой учун тўловлар амалга оширилиши назарда тутилган.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

Буюртмачи айрим бажарилган ишларда нуқсонлар борлигини таъкидлаб, тўловни амалга оширишдан бош тортган.

Биринчи инстанция суди буюртмачи томонидан тақдим этилган нуқсонлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни текширишдан бош тортди. Буни тарафлар бажарилган ишлар юзасидан III-2ни ҳеч қандай эътирозларсиз имзолаганликлари билан асослади.

Апелляция инстанцияси суди даъво талабларини қуйидаги асосларга кўра қисман қаноатлантирди:

Фуқаролик кодексининг 647-моддасига мувофиқ, пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

Қоида тариқасида, 2003 йил декабрь ойида бажарилган ишлар қурилиш меъёрлари талабларига жавоб бермаган ва у бажарилмаган деб ҳисобланади.

Суд пудратчининг даъво талабларини рад этиб, буюртмачи асосланаётган камчиликлар оддий усулда ҳам аниқланиши мумкинлиги ва буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар (очиқ кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги билан асослади (ФК 646-м).

Суд Фуқаролик кодексининг 646-моддаси фақат ишлар қабул қилиниши жараёнида қўлланилиши мумкинлигини таъкидлади.

Буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжатига киритилган айрим турдаги ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини далиллар билан

исботлади, лекин айрим ишларнинг сифатсизлиги дастлабки тўловни тўлик тўлашни рад этиш учун асос бўлмайди.

Шунинг учун апелляция инстанцияси суди даъвони қисман қаноатлантириб, шартномага мувофиқ келадиган сифатда бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилди.

*Қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилиши бевосита бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни рад этиш учун асос бўлмайди*⁷⁶.

Пудратчи хўжалик судига мурожаат этиб, бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжати асосида буюртмачидан амалга оширилган ишлар учун ҳақ ундириб беришни сўраган.

Буюртмачи хўжалик судига қарши даъво аризаси билан мурожаат этиб, давлат котрактини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Бу ҳолатда бажарилган пудрат ишлари ва уларга сарф қилинган қурилиш материалларини қайтариб бериб бўлмайди. Лекин буюртмачи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжатининг расмийлаштирилганлиги, унинг ушбу ишлар натижасидан фойдаланиш хоҳиши мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Бундай ҳолатда пудратчининг арз қилинган даъво аризаси қаноатлантирилиши керак ҳамда келтирилган зарар қопланиши лозим.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ

Хулоса

Қурилиш пудрати шартномаси муносабатларини тартибга солувчи конун ҳужжатларини ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва жараёни нуқтаи назаридан ҳар томонлама таҳлил қилиб ўрганиш уларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Пудрат ишларининг ичида кенг тарқалган қурилиш пудрати ушбу ишнинг асосий мазмунини очишга, унга оид адабиётлар ва суд амалиётидан кенг фойдаланишга қўл келди. Бу эса ўз навбатида, қурилиш пудрати билан ишларни кўришнинг самарадорлигини такомиллаштириш мақсадида асослантирилган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ишда суд амалиёти асосида судьяларга тавсия сифатида қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ низолар юзасидан келиб чиқадиган даъволарни иш юритувига қабул қилишда текширилиши ҳамда даъво аризасига илова қилиниши мумкин бўлган ҳужжатларнинг тахминий рўйхати ҳам ишлаб чиқиш лозим. Ушбу тахминий рўйхатни Олий ҳўжалик суди Раёсатининг қарори ёки раҳбарий тушунтириш хатлари билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, махсус билимларни талаб қиладиган саволлар юзасидан мутахассис хулосаси берилиши учун ҳўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди. Экспертиза тайинлаш масаласи асосан суд мажлиси бир неча бор қолдирилишидан сўнг ҳал қилинмоқда. Натижада ишларни кўриб ҳал этиш муддатларига ҳар доим ҳам риоя қилинмайди.

Фуқаролик кодексининг 646 ҳамда 67-моддаларига кўра экспертиза ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосига кўра тайинланиши мумкин. Шу сабабли, агар ишда қатнашувчи шахслар бундай илтимоснома билан мурожаат қилмаган бўлса, тушган материалларни ўрганиш эксперт хулосаси

берилишини тақозо этса, судья уларга экспертиза ўтказиш зарурлигини, бу ҳақда улар тегишли илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтириши, эксперт хулосаси олиниши керак бўлган масалалар бўйича таклиф қилиши лозим.

Шу мақсадда, экспертиза тайинлаш мақсадида судларга Пленум қарорида тушунтириш берилиши талаб этилади. Бунда Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг фикри ва тавсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, хўжалик ишлари юзасидан турли экспертиза муассасалари ҳар хил хулосалар берганлигини кузатиш мумкин.

3. Қурилиш пудрати ишларини бажаришга оид шартномалардан келиб чиқадиган низолар кўпгина ҳолатларда Шакл-2 ва Шакл-3 талаблари бажарилмаганлигидан келиб чиқади. Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни текширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда молиявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш биринчидан, қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасининг ҳуқуққа ҳилоф эмаслиги ва иқтисодий жиҳатдан кўриб чиқилганлиги, иккинчидан, бажарилган ишларни пудратчидан қабул қилишда ҳисоб-китобларни назорат қилиш билан боғлиқ.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳар ойда тасдиқланадиган Ш-2 шаклидаги бажарилган ишларни қабул қилиш акти ва Ш-3 шаклидаги ишларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома асосида тузилади. Амалиётда қурилиш пудрати ишларини бажариш шартномасини расмийлаштириш жараёнида ҳуқуқбузарликлар вужудга келмоқда. Судлар қурилиш пудрати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда ушбу шаклларга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 1.2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон-1999.
- 1.3. Каримов.И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон овози – 2002 – 31 август.
- 1.4. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. // Халқ сўзи – 2004 йил-10 февраль.
- 1.5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь.
- 1.6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч Т. “Маънавият” 2008
- 1.7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари Т. “Ўзбекистон” 2009.
- 1.8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т. “Ўзбекистон” 2010.
- 1.9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.”Ўзбекистон” 2010.
- 1.10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида Т.”Ўзбекистон” 2012

II. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси – Т.: Адолат, 2003.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси Т. “ОХС Ахборотномаси” 2012.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексига шарҳлар. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2002.
- 2.5. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. - Т.: Адолат. 2004.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997.

- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1998.
- 2.8. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: «Адолат» 1993.
- 2.9. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси- 1998.- № 9.- 165-модда.
- 2.10. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрири)// Халқ сўзи- 2012-3 май.
- 2.11. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) // Халқ сўзи 2003. 12 июнь.
- 2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи–1998-10 март.
- 2.13. «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармон // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами, 2000. май.
- 2.14. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом. // Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2003 - сентябрь.
- 2.15. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2009) Т., «Адолат» 2009.
- 2.16. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010-2011йиллар ва 2012 йил 1-чорагида кўрилган қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти ҳақидаги МАЪЛУМОТИ
- 2.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 мартдаги «Тадбиркорлик субъектлари- фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Т.: 2003-март.
- 2.18. «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги қўшма Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами. Т.: «Адолат». 2001 й.
- 2.19. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари амалиёти материаллари. “ОХС Ахборотномаси” (2003-2009й.й.)

III. Монография, рисола ва мақолалар

- 3.1. Абдусаломов М.Э. Рассмотрение экономических споров – на мировой уровень // Хозяйство и право – 1999 -№ 5.
- 3.2. Абдусаломов М.Э. Тадбиркор суд ҳимоясида - Т.: Адолат. 2001.
- 3.3. Азимов М. Низоларни ҳўжалик судига тааллуқлилиги (ХПКга шарҳлар) // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998-№ 3.
- 3.4. Анохин В.С. Завидов Б. Сергеев В.И. Защита договорных обязательств М. Инфра-М 1998.
- 3.5. Ансон В. Договорное право. М.: 1984.
- 3.6. Арбитражный процесс: Учебник // Под. Ред. Проф. М.К.Треушникова. - М.: ООО Городец–издат, 2003.
- 3.7. Арбитражный процесс /Под ред. М.К.Треушникова. М.:Зерцало, 1995.
- 3.8. Асьянов Ш.М. Проект новой редакции Гражданского кодекса Республики Узбекистан – цели и перспективы. // Фуқаролик қонунчилигини ривожланиши ва долзаоб муаммолари мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция. – Т.: - ТДЮИ, - 2005.
- 3.9. Ахмедова Г. Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларининг ташкил топиши ва ривожланиши. / Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001. №3. Гурвич М.А.
- 3.10. Брагинский М.И. Витрянский В.В. Договорное право. – М.: Статут. 2002.
- 3.11. Брагинский М.И. Совершенствование законодательства о капитальном строительстве. -М.: 1982.
- 3.12. Добровольский А.А.Иванова С.А.Основные проблемы исковой формы защиты права . М.: Изд. МГУ, 1979.
- 3.13. Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. М.: Городец-издат., 2000.
- 3.14. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: Адолат, 1996.
- 3.15. Зокиров М., Ибратов Б. Тадбиркорлик, манфаат ва маъсулият. - Т.: Адолат, 2002.
- 3.16. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2001.
- 3.17. Иванов А.Н.Строительные отношения // Строительный комплекс. – 2003 -сентябрь.
- 3.18. Жуйков В.М. Судебная защита прав граждан и юридических лиц. М.: Городец-издат, 1997.
- 3.19. Иванов В.Н. Ведение арбитражных дел, практическое пособие, М.: Юрайт, 2004.
- 3.20. З.Исматуллаев, И.Насриев. Хўжалик ишлари бўйича суд ҳужжатларининг намуналари. Т., Меҳнат., 2003.
- 3.21. Каландарова М.П. “Давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалар ва улар юзасидан

- келиб чиқадиган низоларнинг судда кўрилиши” Т. “IRIS” кўмаги 2005.
- 3.22. Насуллаев М Хўжалик процесси муносабатларида тааллуқлилик институтининг аҳамияти ва ўрни. Т. “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2-сон, 2008.
- 3.23. Насуллаев М «Айрим туркумдаги хўжалик ишларини судда кўриб чиқилиши» Т. «IRIS» кўмаги 2005 йил
- 3.24. Насуллаев М Хўжалик ишларини тааллуқлиги ва судловлиги Т. Фалсафа ва ҳуқуқ инс-ти нашриёти 2009.
- 3.25. Отахонов Ф. Хозяйственное процессуальное право. (Учебное пособие)- Т., ТГЮИ, 2003.
- 3.26. Рахманкулов Х.Р. Обязательственное право. – Т.: ТГЮИ, 2005.
- 3.27. Рахмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар // 2-жилд. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998.
- 3.28. Рўзиев Р. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуннинг моҳияти ва мазмуни/ Хўжалик ва ҳуқуқ- 1999. № 2
- 3.29. Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг судда ҳимоя қилиниши. Т.: Адолат-2001.
- 3.30. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2001.
- 3.31. Шорахметов Ш.Ш. Проблемы гражданского судопроизводства по защите прав и законных интересов граждан Республики Узбекистан. Дисс. в форме научн докл. Д.ю.н. Т.: 1995.
- 3.32. Эгамбердиев Э. Жавобгар тарафлар манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти (Республика илмий-амалий конференция материаллари) Т. 2011.